

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№3/2020(150) 1995 йилдан чиқа бошлаган

## БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

### **БОШ МУХАРРИР:**

Шодиқул ҲАМРОЕВ

### **ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Козимджан КАМИЛОВ

Икрам МУСЛИМОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2004 йил  
17 декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
илмий-амалий журнал  
ваколати берилган.

Босишга 16.06.2020 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 4830 нусха.  
Буюртма № 135.

### **МУНДАРИЖА**

#### **2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**

*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари  
томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат  
тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори  
тўғрисида*

#### **3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жисоият ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**

#### **10. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**

#### **20. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**

#### **43. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**

#### **52. Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга малака даражалари бериш тўғрисидаги қарори**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2020 йил 28 май

№ РС-23-20

Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Олий суд Раёсати

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" —

"Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари (Т.Мелибоев, Г.Парпиева, А.Муродов, Қ.Комилов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорларини вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорларини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида 2020 йил июнь ойида видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда 2020 йил 20 июнга қадар тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари — судлов ҳайъатларининг раислари И.Муслимов, Х.Ёдгоров ва Б.Исаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси** **К. КАМИЛОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" РС-44-18-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорнинг 2-бандига кўра, Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан ҳар чорак якунида судлов ҳайъатларининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ҳисобот даврида жами 5137 та назорат шикоятлари (протести) келиб тушган.

Улардан 2669 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 189 таси кўрмасдан қайтарилган, 690 таси жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кўриш учун ўтказилган, 1386 таси ҳисо-

бот даврининг охирида қолдиқда қолган.

Шундан 395 та шикоят (протест) жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, 352 та шикоят (протест) қаноатлантирилган, 43 та шикоят (протест) рад қилинган.

Жумладан, 303 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция ва кассация инстанциясида кўриш учун юборилган, 35 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазо чораси камайтирилган, 63 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилмай жазо чораси камайтирилган, 8 нафар шахснинг малакаси ўзгартирилмай жазодан озод қилинган, 3 нафар шахсга оид суд қарорлари Жиноят-процессуал кодексининг 490-моддаси бешинчи қисмида белгиланган асосларда, 13 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари эса, бошқа асосларга кўра, ўзгартирилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади), Жиноят-процессуал кодексининг (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

### **1. Суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни ҳукмда келтириши шарт**

Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2015 йил 21 декабрдаги ҳукмига кўра, Ш.С.га Жиноят кодексининг 127-моддаси учинчи қисми, 169-моддаси тўртинчи қисми "в" банди, 227-моддаси иккинчи қисми "а" банди билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 4 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, Ш.С. М.Р. ва Н.С. билан З.О.нинг вояга етмаганлигини била туриб, уни жиноят содир этишга жалб қилиб, олдиндан тил бириктириб, уюшган гуруҳ таркибида ва унинг манфаатларини кўзлаб, иштирокчилар орасида вазифаларни тақсимлаб, Д.И.нинг яшаш хонадонига ғайриқонуний равишда дарвоза орқали кириб, уйнинг ётоқхонасидан жами 37.705.000 сўмлик турли хил мол-мулкларни ҳамда темир сейф ичида турган уйнинг кадастр ҳужжати, Д.И.га тегишли дўконнинг

2 дона қарорлари, А.Б.нинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, фуқаролик паспорти, тадбиркорликда фойдаланадиган 2 дона ҳисоб-китоб дафтарларини яширин равишда ўғирлаб кетиб, талон-торож қилганликда айбдор деб топилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Ш.С.нинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 29-моддаси тўртинчи қисмида икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориши учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилгани, 30-моддасида бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун фақат уни содир этган шахс жавобгар бўлиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги "Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти

ҳақида"ги 37-сонли қарори 5-бандида жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунушлик жиноий гуруҳнинг уюшганлигидан далolat бериши, айблаш фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра, жиноий гуруҳ уюшган деб топилгани кўрсатилган бўлиши шартлиги;

2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 24-бандида суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Суд қарорларига кўра, судланган М.Р. ва бошқалар томонидан турли вақт ва ҳолатларда жами 5 та эпизодда такроран ўғрилик жиноятлари содир этилган бўлиб, шундан Ш.С. фақат битта эпизодда ўғрилик жиноятини содир этишда иштирок этган, М.Р. ва бошқалардан иборат уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бошқа жиноятларни содир этилишида иштирок этмаганлиги ва уларнинг жиноий фаолиятларидан ҳабардор эмаслиги, қолаверса, Ш.С.нинг ўзи иштирок этган эпизоддан бошқа эпизодларда содир этган жиноятида уюшган гуруҳнинг ушбу эпизодда қатнашмаган бошқа аъзоларининг, яъни уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаганлиги тасдиқланмаганлиги суднинг эътиборидан четда қолиб, ушбу ҳолатларни ҳуқуқий баҳоламасдан туриб, уни уюшган гуруҳ таркибида унинг манфаатларини кўзлаб жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Судланган Ш.С. битта эпизоддаги жи-

ноятни М.Р., Н.С. ва вояга етмаган З.О. билан биргаликда содир этганликларини тан олиб, бошқа эпизодларда содир этилган жиноятларда иштирок этмаганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Шунингдек, шу иш бўйича бошқа судланганлар ёки гувоҳлар Ш.С.нинг қайд этилганлардан бошқа жиноятларни содир этишда иштирок этганлиги ёки у томонидан юқорида қайд этилган бир эпизодда содир этилган жиноятдан уни содир этилишида иштирок этмаган уюшган гуруҳнинг бошқа аъзоларининг манфаатдор бўлганлиги, яъни Ш.С.нинг уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаганлиги, у томонидан ўғирланган мол-мулкни уюшган гуруҳнинг жиноятни содир этилишида иштирок этмаган бошқа аъзоларига ҳам улуш тарқатилганлиги ҳақида гувоҳлик беришмаган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, Ш.С.нинг юқорида қайд этилган ҳолатлардан ташқари уюшган гуруҳ таркибида бошқа жиноятларни содир этганлиги ёки уюшган гуруҳ содир этган бошқа жиноятлар

унинг жиноий нияти билан қамраб олингани тасдиқланмаган, М.Р. ва бошқалар билан уюшган гуруҳ таркибида бошқа жиноятларни содир этиш режаларини тузишгани, яъни жиноий фаолият олиб боришнинг йўл-йўригини ишлаб чиққанлиги, уюшган гуруҳда айнан ким ташкилотчи эканлиги, гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлангани ва Ш.С. айнан қайси вазифани бажаргани, унинг уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлагани қайси далил билан тасдиқланиши, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бошқа жиноятлар ҳақида барча гуруҳ аъзоларининг хабардор қилингани, гуруҳнинг барқарорлиги таъминланганлиги далиллар билан тасдиқланмаган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2020 йил 10 февралдаги ажрими билан суд қарорларининг Ш.С.га оид қисми ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 169-моддаси тўртинчи қисми "в" бандидан шу модда иккинчи қисми "б", "в", "г" бандларига қайта квалификация қилинган.

*ЖСХ-1-268/2015-сонли иш*

## **2. Суд иш бўйича фуқаровий даъвони қаноатлантиришга оид қонун талаблари нотўғри қўлланилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди**

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2019 йил 22 февралдаги ҳукмига кўра, Р.М. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Ҳукмга асосан, М.Х.дан давлат рақами 50 J 234 GA бўлган "Каптива" русумли автомашинани З.Н.га олиб бериш, судланган Р.М.дан жабрланувчи М.Х. фойдасига 134.275.200 сўм ундириш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 17 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, Р.М. таниши З.Н.нинг ишончига кириб, унинг 16.300 АҚШ долларига сотиб олган давлат рақами "50 N 262 JA" бўлган "Каптива" русумли автомашинасини ижара асосида вақтинча бошқариб юриш шарти билан олиб, унинг ишончини суиистеъмол қилиб, фирибгарлик йўли билан онаси М.А.нинг номига расмийлашти-

риб олиб, автомашинани бошқа шахсга сотиб юборган.

Бундан ташқари Р.М. жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран Ж.М.нинг ишончига кириб, давлат рақами "50 N 262 JA" бўлган "Каптива" русумли автомашинани ўзига тегишли эканлигини айтиб, 8.000 АҚШ долларига унга алдаб сотган ва пулларни ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборганлиги натижасида ушбу автомашина кейинчалик "50 J 234 GA" давлат рақами билан расмийлаштирилиб, сотилиб кетган.

Иш ҳолатларидан аниқланишича, судланувчи Р.М. томонидан давлат рақам "50 N 262 JA" бўлган "Каптива" русумли автомашина 2016 йилда Ж.М.га сотилган бўлиб, нотариал идора орқали Ж.М.нинг номига расмийлаштирилган. Наманган вилоят ИИБ ЙХХБ томонидан автомашинанинг давлат рақами "50 J 234 GA"га алмаштирилган бўлиб, жабрланувчи Ж.М.нинг номида турган.

Жиноят процессуал кодексининг 490-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ назо-

рат инстанцияси суди агар биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанциялари суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартишлар киритишга ҳақли эканлиги, шунингдек, шу модданинг 6-қисмида юқори инстанция суди ҳукмнинг айрим маҳкумларга қўйилган айблов қисмини ёки фуқаровий даъво қисмини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Биринчи инстанция суди ишнинг фуқаровий даъвога оид қисмини муҳокама қилишда Р.М. томонидан давлат рақами "50 N 262 JA" бўлган "Каптива" русумли автомашина 2016 йилда жабрланувчи Ж.М.га сотилганлиги, 2016 йил 8 августда нотариал тартибда Ж.М.нинг номига расмийлаштирилганлиги ҳамда ҳозирда транспорт во-

ситаси Ж.М.нинг номида эканлигини эътибордан четда қолдириб, ҳукмда ушбу автомашинани жабрланувчи З.Н.га қайтаришни белгилаб, нотўғри хулосага келган.

Кассация инстанцияси суди эса, юқоридаги ҳолатга баҳо бермаган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2020 йил 9 январдаги ажрими билан Р.М.га нисбатан чиқарилган суд қарорларининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгартирилиб, давлат рақами "50 J 234 GA" бўлган "Каптива" русумли автомашина қонуний эгаси Ж.М.га қайтарилган, судланган Р.М.дан жабрланувчи З.Н. фойдасига 134.275.200 сўм ундирилган, жабрланувчи М.Х.га етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаролик тартибидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

ЖСХ-1-1601-1803/618-сонли иш

### **3. Жиноят ишини назорат тартибидан кўриб чиққан суднинг иш ҳолатлари тўла-тўқис ва ҳар томонлама текширилишини таъминлашга қаратилган кўрсатмаларига ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибидан кўриб чиқиш чоғида амал қилиш мажбурийдир**

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2016 йил 1 июлдаги ҳукмига кўра, Ф.И. Жиноят кодексининг 109-моддаси иккинчи қисми билан 3.256.000 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 9 октябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф.И. ИИБда катта инспектор вазифасида ишлаб келиб, 2016 йил 1 январь куни соат 07:30ларда хизмат кийимида қайнотаси И.З.нинг хонадонига турмуш ўртоғи З.И. билан гаплашиш мақсадида бориб, қайнакаси Ф.З. билан ўзаро жанжаллашиб қолади ва унинг юз қисмига қаттиқ тўмтоқ жисм билан уриб, қасддан соғлигини енгил бўзилишига сабаб бўлган шикаст етказганликда айбдор деб топилган.

Жиноят процессуал кодексининг 495-моддасида жиноят ишини назорат тартибидан кўриб чиққан суднинг иш ҳолатлари тўла-тўқис ва ҳар томонлама текширилишини таъминлашга, шунингдек, Жиноят кодекси ҳамда ушбу кодекс нормалари-

нинг бузилишини бартараф этишга қаратилган кўрсатмаларига ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибидан кўриб чиқиш чоғида амал қилиш мажбурийлиги кўрсатилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талабларига риоя қилинмаган.

Жиноят иши Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўрилиб, судлов ҳайъатининг 2018 йил 7 июндаги ажримига кўра, кассация инстанциясининг 2016 йил 1 июлдаги ажрими бекор қилинган ва ишни кўришда йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган ҳолда, янгидан кассация инстанциясида кўриш учун юборилган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримида:

Ф.И.ни қайниси Ф.З. ҳақоратлаб, "формангни ечириб оламан сен ..." деб, унинг бушлатидаги пагонини иккаласини ҳам юлиб олиб, зарб билан қовуғига тепгани, кучли оғриқдан кўзи тиниб энгашиб кетган вақти боши нимагадир бориб теккани, Ф.З. юзини ушлаб қолгани, унга тан жаро-

ҳат етказмагани ҳақида кўрсатма бергани;

суд-тиббий экспертнинг 2016 йил 15 февралдаги хулосасида Ф.З.да аниқланган бурун суягини синиши жароҳати резина таёқ орқали етказилмагани кўрсатилган бўлиб, гувоҳлар дастлабки тергов ва судда, жабрланувчи Ф.З.нинг юз қисмига Ф.И. қўлидаги резина таёқ билан ургани ҳақида кўрсатма берганликларини кўрсатиб, мавжуд қарама-қаршилик ва ноаниқликларни бартараф этиш чорасини кўриш, Ф.И. ва экспертнинг кўрсатмаларини, суд-тиббий экспертнинг хулосасини ишончга сазовор эмас, деб топганини асослантириш ва ўз хулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қонуний тўхтамга келиш лозимлиги ҳақида кўрсатма берилган.

Иш бўйича жабрланувчи ёки бирон гувоҳ Ф.З.ни Ф.И. резина таёқдан бошқа бирон нарса билан ургани ҳақида кўрсатма бермаган бўлса-да, биринчи инстанция суди ўз ҳукмида Ф.З.га резина таёқ билан тан

жароҳати етказилмаган, Ф.З.ни Ф.И. бошқа қаттиқ тўмтоқ жисм билан уриб тан жароҳати етказган деб топган ҳолда Ф.З.га резина таёқдан бошқа қаттиқ тўмтоқ жисм билан ким қандай тан жароҳати етказгани ва бу ҳолат айнан қайси далиллар билан исботланганини ёритмаган. Шу сабабли Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳолатга аниқлик киритилишини лозим, деб топган.

Бироқ кассация инстанцияси суди ишни янгидан кўришда биринчи инстанция судининг камчилигини такрорлаб, мавжуд камчиликни бартараф этмаган ҳолда юқори суд кўрсатмасини бажармасдан, Жиноят процессуал кодексининг 95, 495-моддалари талабига риоя этмаган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2020 йил 23 январдаги ажрими билан Ф.И.га нисбатан чиқарилган кассация инстанциясининг ажримини бекор қилиниб, жиноят иши янгидан шу инстанция судида кўриш учун юборилган.

*ЖСХ-1/290-сонли иш*

#### **4. Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади**

Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2013 йил 14 октябрдаги ҳукмига кўра, Г.С. Жиноят кодексининг 209-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топилди, унга нисбатан 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актига асосан жазо тайинланмасдан жазодан озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 14 августдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Г.С. Жиноят кодексининг 64-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, Г.С. ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғининг ўринбосари, паспорт бўлинмаси бошлиғи Ф.Б. билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ғаразгўйлик ва бошқа мақсадларни кўзлаб, ИИВнинг буйруғи талабларини бузиб, Д.Р.ни уй дафтарида доимий рўйхатдан чиқариш

учун асословчи расмий ҳужжатлар бўлмаганда, Д.Р.нинг иштирокисиз, гўёки ушбу ишга умуман алоқаси бўлмаган фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорини асос қилиб олиб, расмий ҳужжат ҳисобланган юқорида кўрсатилган хонадон уй дафтарида қайд этилган Д.Р. ва Л.Р.ни "Суд қарорига асосан" рўйхатдан чиқарилганлиги ҳақидаги сохта ёзувларни киритиб, имзолаб, муҳр босиб бериб, Д.Р.нинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказганликда айбдор, деб топилган.

Жиноят процессуал кодексининг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керакли-

ги, 82-моддасида ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаб ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги, 94-моддасида иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Шунингдек, ҳукм чиқарилган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 2-сонли қарори 10-бандида судлар айблов ҳукми чиқараётганда жиноий ҳодиса юз берганлиги, шахснинг қилмишида жиноят таркибининг борлиги, унинг ушбу жиноятни содир этилишида айбдорлиги каби ва Жиноят процессуал кодексининг 457-моддасида кўрсатилган бошқа масалаларни ҳал қилишлари лозимлиги, 11-бандида, жиноятни Жиноят кодексининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хулосаси айблов ҳукмининг тавсиф қисмининг муҳим белгиси ҳисобланиши, бунда айбдорнинг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ суд иш бўйича қайд этилган қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилмаган.

Иш ҳолатларидан аниқланишича, Г.С. дастлабки терговда ва судда, Д.Р.ни уй дафтарида чиқариш тўғрисидаги ёзувларни ИИБ ХЧК ва ФР бошлиғи ўринбосари Ф.Б.нинг топшириғи асосида тўлдириб, имзолаб берганлиги, Ф.Б. муҳр босиб берганлиги, мазкур ҳолат бўйича бирор-бир манфаат кўрмаганлиги ҳамда ғараз нияти бўлмаганлиги, уй дафтарида чиқарилган ёзув қайд этилган булса-да, аммо манзиллар бюроси ва фуқаролик паспортида Д.Р.ни рўйхатдан чиқарилганлик тўғриси-

да қайдлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли уй дафтаридаги ёзувнинг ўзи ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслиги ҳақида кўрсатма берган.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Д. ҳамда котиби Ф.С.лар ўз кўрсатмаларида Д.Р. уй дафтарида рўйхатдан чиқарилган деб ёзилган бўлса-да, лекин манзиллар бюросида рўйхатдан чиқарилмаган бўлганлиги сабабли унга маълумотнома тўсиқсиз берилганлигини баён қилишган.

Бундан кўринадики, Д.Р. маҳалла фуқаролар йиғинидан маълумотномани манзиллар бюросидан маълумотнома олиб келган ҳолда 2010 йилда олган бўлиб, 2013 йилга қадар, яъни 3 йилдан сўнг Г.С.га нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, гўёки Д.Р. маълумотнома олишда тўсқинликларга учраб, унга жиддий зиён етказилган деб баҳолаб бўлмайди.

Г.С. дастлабки тергов ва судда берган кўрсатмаларида, М.Б.га тегишли бўлган ҳужжатларни биринчи бўлиб, Ф.Б. томонидан ўрганиб чиқилиб, унга Д.Р.ни уйдан суднинг ҳал қилув қарори асосида чиқариш тўғрисида тегишли кўрсатма бериб, "ўзинг имзо қўйиб бер" деганини маълум қилган.

Д.Р.нинг онаси М.Б. тергов ва судда берган кўрсатмаларида, ўғли Д.Р.ни уй дафтарида рўйхатдан чиқариш мақсадида, ҳужжатларни ИИБ ХЧК ва ФР бўлими ходимига тақдим қилганлиги, ходим ҳужжатлар билан танишиб чиққанидан сўнг рўпарасидаги столда ўтирган фуқаролик кийимидаги аёл кишига бериб, керакли ҳужжатларни тўлдириб беришни сўраганлиги, аёл киши тўлдириб берган ҳужжатларни олиб, ўзи ҳам қандайдир ҳужжатларни тўлдириб, муҳр қўйиб, ўғли Д.Р. уй рўйхатидан чиқарилганлигини баён қилган.

Бундан кўринадики, Г.С. бевосита бошлиғи ҳисобланган Ф.Б.ни топшириғи асосида ёзувларни қайд этиб, имзо қўйиб берган, ўз навбатида, Ф.Б. муҳр қўйиб, Д.Р.ни фақатгина уй дафтарида рўйхатдан чиқарган.

Уй дафтаридаги рўйхатдан чиқариш ҳақидаги ёзув муҳрсиз юридик кучга эга бўлмасдан, уй дафтаридаги муҳрсиз ёзув Д.Р. учун ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаслиги тергов ва суднинг назаридан четда қолган.



Жиноят кодексининг 40-моддаси биринчи қисмида шахсининг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек, мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмаслиги, учинчи қисмида ғайриқонуний равишда берилган буйруқ ёки фармойишни ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жавобгарликка тортилмайди деб белгиланган.

Дастлабки тергов ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, уй дафтарида Д.Р. ва Л.Р. рўйхатдан чиқарилган деб, Ф.Б. қўйган тамга мавжуд бўлган бўлса-да, улар амалда уй рўйхатидан чиқарилмаган, яъни Д.Р. ва Л.Р.нинг паспортларида уй рўйхатидан чиқарилганлиги ҳақидаги тамгалар қўйилмаган ҳамда манзиллар бюросида улар ушбу манзилда рўйхатда турган бўлиб, рўйхатдан чиқарилганлиги ҳақида бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида атамаларнинг ҳуқуқий маъноси келтирилган бўлиб, унда ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган факт ва воқеаларни тасдиқловчи, лозим даражада тузилган ва зарурий реқвизитлари (штамп, имзо, муҳр, сана, тартиб рақами) мавжуд бўлган ёзма ҳужжат - ҳужжат деб аталиши кўрсатилган.

Бундан ташқари дастлабки тергов органи М.Б.нинг ўғли Д.Р.ни рўйхатдан чиқариш бўйича ғаразгўйлик мақсади бўлмаганлиги сабабли жиноят ишини бир қисмини ҳаракатдан тугатиш тўғрисидаги қарорга асосан М.Б.нинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 228-моддасида кўрсатилган, Г.С. ва М.Б.нинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 210-моддасида кўрсатилган жиноятлар аломатлар йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилган бўлса-да, ўзининг хулосасига зид равишда Г.С.ни ғаразгўйлик ва бошқа мақсадларни кўзлаб, ҳужжатларни сохталаштириб, Д.Р.нинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфа-

атларига жиддий зарар етказган деб топган.

Жиноят процессуал кодексининг 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi, 482-моддасида юқори инстанция суди шикоятда баён этилган важлар билан чегараланмасдан, ишни тўлиқ ҳажмда текшириши лозимлиги кўрсатилган.

Кассация инстанцияси суди қонун билан юклатилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланиб, биринчи инстанцияси суди томонидан йўл қўйилган камчиликлар, иш ҳолатларига ойдинлик киритиш жараёнида юзага келган юқоридаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш чораларини кўрмасдан, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқламасдан, Г.С.ни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган деган важ билан Жиноят кодексининг 64-моддасига асосан ишни тугатиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2020 йил 30 январдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, Г.С.нинг ҳаракати билан фуқаро Д.Р.нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига жиддий зиён етказганликда ифодаланган қилмишида жиний ҳодиса юз бермаганлиги ҳамда жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят иши Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 1, 2-бандларига асосан тугатилган.

ЖСХ-1-262/2013-сонли иш

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2020 йилнинг биринчи чорагида судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, "Йўл харита"ларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Ҳисобот даврида вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанциясида 1327 та, кассация инстанциясида 1639 та фуқаролик иши кўрилган. Апелляция инстанциясида туманлараро (вилоят) судларида чиқарилган ҳал қилув қарорларининг 170 таси (2019 йилнинг биринчи чорагида 177 та) ёки 0,3 фоизи, кассация инстанциясида 176 таси (2019 йилнинг биринчи чорагида 282 та) ёки 0,4 фоизи, жами 409 та ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Апелляция ва кассация инстанциясида биринчи инстанция суди қарорларининг бекор қилиниши Тошкент шаҳрида 85 та, Тошкент вилоятида 42 та, Сурхондарё вилоятида 43 та, Самарқанд вилоятида 40 та ва Фарғона вилоятида 36 тани ташкил этган.

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг апелляция ва кассация инстанциялари ваколатидан тўғри фойдаланиш, ўз вақтида суд хатоликларини тўғрилаш ўрнига, айрим ҳолларда ўзла-

ри қўпол хатоликка йўл қўйиб, мазмунан тўғри бўлган суд қарорларининг бекор қилинишига йўл қўйган ҳолатлар мавжуд.

Хусусан, Олий судда назорат тартибида бекор қилинган жами 32 та апелляция ва 28 та кассация инстанцияси ажримларидан 18 та иш бўйича биринчи инстанция суди қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 4 тани, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 3 тадан ташкил этган.

Ҳисобот даврида назорат инстанциясида 61 та иш бўйича биринчи инстанция судлари қарорлари бекор қилиниб, шундан 45 таси ёки 73,8 фоизи бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган, 9 таси ёки 14,8 фоизи бўйича тарафлар ишга жалб этилиши лозимлиги сабабли ишлар янгидан кўриш учун юборилган.

Судлов ҳайъатида кўрилган ишлар бўйича қуйи судлар томонидан ишни кўришда йўл қўйилган қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 1 та хусусий ажрим чиқарилган.

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар ҳамда туманлараро судларида биринчи инстанцияда тамомланган ишлардан барча суд инстанцияларида жами 404 та ёки 0,8 фоиз суд қарорлари бекор қилинган.

Айниқса, Тошкент шаҳар судларининг 85 та, Тошкент вилоят судларининг 52 та, Сурхондарё вилоят судларининг 43 та ва Самарқанд вилоят судларининг 40 тадан суд қарорлари бекор қилинган.

Бекор қилинган суд қарорларининг

тахлили шуни кўрсатадики, судлар томонидан битимлар, қарз ва зарар ундириш, мерос, ер, меҳнат ва уй-жой билан боғлиқ низолар юзасидан фуқаролик ишларини кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш натижасида хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда амалдаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатлари мавжудлигини кўриш мумкин.

### **1. Судлар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини буйруқда кўрсатилган асослар бўйича текшириши лозим**

Даъвогар Х.Шеров жавобгар вилоят Транспорт бошқармасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириб беришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 10 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 14 августдаги ҳал қилув қарори билан Х.Шеровнинг даъвоси рад этилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 23 январдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар Х.Шеров Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги вилоят бошқармасида инспектор вазифасида ишлаб келган.

Х.Шеров билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2019 йил 19 апрелдаги буйруғи билан бекор қилиниб, буйруққа асос сифатида Агентлик тугатилганлиги ва Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-банди кўрсатилган.

Судлар даъвони рад қилишда меҳнат шартномасини бекор қилишда буйруқда кўрсатилган сабабнинг ҳуқуқий асосларини текширмаган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сонли Фармони билан Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташкил этилиб, ушбу Фармоннинг 7-бандига кўра, вазирлик Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Бироқ судлар Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигини тугатилмаганлиги, балки Агентлик негизида Транспорт вазирлиги сифатида қайта ташкил этилганлиги, судларда ҳам иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг буйруқдаги асосининг қонунийлигини исботланмаганини инобатга олмасдан даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-2133-19-сонли иш

### **2. Суд қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини қўлламаганлиги суд қарорини бекор қилишга асос бўлади**

Даъвогар "Агро" хусусий корхонаси жавобгар Х.Раимовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда 47.000.000 сўм қарздорликни ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 9 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, даъвогар "Агро" хусусий корхонасининг фойдасига жавобгар Х.Раимовдан 47.000.000 сўм қарз ундириш белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 12 сентябрдаги ажрими билан суд қарори қисман бекор қилиниб, даъвогар "Агро" хусусий корхонасининг фойдасига жавобгар Х.Раимовдан

38.000.000 сўм қарз ундириш, даъвонинг 9.000.000 сўм ундириш қисми рад қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 27 январдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, "Агро" хусусий корхонаси ва Х.Раимов ўртасида 2015 йил 2 сентябрда "Иш берувчи"нинг буюртмаси бўйича "Касаначи" томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун меҳнат шартномаси тузилиб, унга кўра Х.Раимов 2015 йил 2 сентябрдан 1 декабргача хусусий корхонага тегишли

иссиқхонада баҳорги ва кузги бодринг маҳсулотини етиштирувчи деҳқон сифатида ишга қабул қилинган.

Амалдаги "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига кўра, хусусий корхона (иш берувчи) ва хусусий корхонанинг ходими ўртасидаги ўзаро муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракт) билан тар-

тибга солинади.

Судлар тарафлар ўртасидаги низоли ҳуқуқий муносабатга меҳнат тўғрисидаги қонун нормалари асосида эмас, балки Фуқаролик кодексини қўллаган ҳолда шартнома шартларини инобатга олмасдан даъво қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

6-1848-19-сонли иш

### **3. Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим**

Даъвогар Р.Ҳақимов жавобгар Г.Исаевага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар Г.Исаевадан ўзининг фойдасига қарзни банк фоизи билан ундириш, ундирувни гаров мулкларига қаратишни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 13 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Р. Ҳақимовнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, жавобгар Г.Исаевадан унинг фойдасига 259.710.000 сўм қарз ва 90.898.500 сўм банк фоизи ҳамда давлат фойдасига 6.812.170 сўм давлат божи ундирилган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 8 сентябрдаги ажрими билан суд қарорининг фоиз ва суд харажатларни ундиришга оид қисми ўзгартирилиб, жавобгар Г.Исаевадан даъвогар Р.Ҳақимов фойдасига 93.653.000 сўм фоиз суммаси, 200.000 сўм суд харажатлари ва давлат даромадига 7.067.260 сўм давлат божи ундирилиб, суд қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 6 январдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, Р.Ҳақимовнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, 2015 йил 9 сентябрда жавобгар Г.Исаева даъвогар Р.Ҳақимовдан бир ой муддатда қайтариб бериш шартини билан 10.000 АҚШ доллари қарз олиб, гаров сифатида (трос, кулон, зирак, 2 та браслет, узук, 2005 йилда ишлаб чиқарилган "Ласетти" автомашинасини) берганлиги ҳақида тилхат ёзиб берган.

2015 йил 11 декабрдаги тилхатда Г.Исаева ўзига тегишли бўлган, тумандаги дала ҳовлисини Р.Ҳақимовга вақтинча номига олди-сотди қилиб ўтказиб бериб, олган 23.000 АҚШ долларини қайтариб бериши билан уйни ўз номига ўтказиб олиши қайд қилинган.

Судлар Фуқаролик кодексининг 732, 735, 327-моддаларига асосланиб, жавобгар Г. Исаевадан 33.000 АҚШ долларини сўмга нисбатан қийматидан келиб чиқиб 259.710.000 сўм ундириш, апелляция инстанцияси 93.653.000 сўм банк фоизини ҳам ундиришни белгилаган.

Олий суд Пленумининг 2018 йил 19 майдаги "Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 14-сонли қарори 15-банди учинчи хатбошисида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилган, алоқадорлик (Фуқаролик процессуал кодексининг 73-моддаси) ва мақбуллик (Фуқаролик процессуал кодексининг 74-моддаси) талабларига жавоб берадиган ҳар бир далил суд муҳокамаси давомида текширилиши лозимлиги қайд қилинган.

Даъвогар Р.Ҳақимов Фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддаси биринчи қисмига кўра, қарз тўғрисидаги тилхатларнинг асл нусхалари мавжудлигини исботлаб беролмаган бўлса-да, судлар мақбул далил ҳисобланмайдиган ҳужжат асосида даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-1812-19-сонли иш

#### **4. Никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусияти, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган ҳолатлар ва келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шарт**

Даъвогар А.Караев жавобгар М.Ҳакимовага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Туманлараро судининг 2019 йил 4 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, тарафлар никоҳдан ажратилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 12 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 24 февралдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, тарафлар 2007 йил 16 январда қонуний никоҳдан ўтиб оила қуришган ва турмушидан икки нафар фарзандли бўлишган.

Оилада келиб чиққан келишмовчилик сабабли тарафлар 2017 йил июнь ойидан буён алоҳида яшаб келишган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларига баҳо бериб, оила бутунлай барбод бўлганлигидан келиб чиқиб, даъвони қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди тарафлар ўртасидаги келишмовчилик вақтинчалик бўлиб, ажрашиш учун жиддий сабаб йўқлигини кўрсатиб, ҳал қилув қарорини бекор

қилиб, даъвони рад этиш ҳақида хулосага келган.

Иш ҳужжатларига қараганда, бунга қадар ҳам даъвогар А.Караевнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво талаби апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2018 йил 17 октябрдаги ҳал қилув қарори билан рад қилинган.

Тарафларга ярашиш учун берилган уч ой муҳлат давомида ҳам оилани тиклаш учун маҳалла ва Хотин-қизлар қўмитасининг амалий ҳаракатлари натижа бермаган.

Шу боисдан биринчи инстанция суди тарафлар ўртасида вужудга келган келишмовчиликлар вақтинчалик характерга эга эмаслиги, эр-хотин узоқ муддат давомида оилавий муносабатларни давом эттирмасдан истиқомат қилиб келишгани ва бу муддат ичида оила тикланмагани, бунга қадар ҳам низо суд тартибида бир неча маротаба кўриб чиқилгани ва берилган муҳлатлар давомида ҳам оилани тиклаш имкони бўлмаганини инобатга олиб, келгусида тарафлар оилаларини тиклаб ўзаро ярашиб бирга яшаб кетишларига ишонч қолмаган деб ҳисоблаган ҳолда даъвони қаноатлантириш ҳақида асосли тўхтама келган бўлса-да, апелляция инстанцияси даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-336-19-сонли иш

#### **5. Шахснинг қисман реабилитация қилинганлиги муносабати билан моддий зарар ундириш ҳақидаги талаби фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли эмас**

Даъвогар А.Аманов жавобгар туман Молия бўлимига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда қисман реабилитация этилганлиги боис моддий ва маънавий зарар ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 9 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, туман Молия бўлими орқали бюджет ҳисобидан А.Аманов-

нинг фойдасига 6.143.500 сўм моддий ва 3.000.000 сўм маънавий зарар ундириш белгиланган.

Кассация инстанциясининг 2019 йил 25 июндаги ажрими билан ҳал қилув қарорининг моддий зарар ундиришга оид қисми бекор қилиниб, ушбу қисмини рад қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган, маънавий зарар миқдори 10.000.000 сўмга

ўзгартирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 22 январдаги ажрими билан суд қарорларининг моддий зарарни ундириш қисми бекор қилиниб, ушбу қисмини иш юритишдан тугатиш ва даъвогарга моддий зарар ундириш масаласида ҳукм чиқарган судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Аниқланишича, жиноят ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 16 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган вилоят судининг 2013 йил 5 ноябрдаги ҳукми билан даъвогар А.Аманов Жиноят кодексининг 210-моддаси учинчи қисми "б" банди билан айбдор деб топилиб, унга ўн бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 29 декабрдаги ажрими билан ҳукми ва кассация инстанцияси ажрими ўзгартирилиб, А.Амановнинг ҳаракатлари қайта квалификация қилинган

ва у уч йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, А.Аманов 2013 йил 24 августдан 2015 йил 25 декабрга қадар 2 йил 4 ой ўталган жазонинг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, А.Аманов жазодан озод қилинган.

Даъвогар А.Амановнинг моддий зарар ундириш ҳақидаги даъво талаби Жиноят процессуал кодексининг 304-моддасида санаб ўтилган бўлиб, иш ҳужжатларида ҳукм чиқарган суднинг даъвогарнинг моддий зарар бўйича талаблари юзасидан ажрими мавжуд бўлмаса-да, судлар Жиноят процессуал кодексининг 306, 307-моддаларига талабига зид равишда моддий зарарни ундириш ҳақидаги судга тааллуқли бўлмаган масалани муҳокама қилиб, хатоликка йўл қўйган.

*6-2054-19-сонли иш*

### **6. Мулк белгиланган асослар бўйича бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан фақат мулкдорнинг мурожаати асосида талаб қилинади**

Даъвогар туман прокурори судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ўз навбатида, Х.Раҳматова судга қарши даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда уй-жойни нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра, қонуний сотиб олганлиги асосида инсофли эгалловчи деб топишни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 5 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2018 йил 10 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан прокурорнинг даъвоси қаноатлантирилиб, Т.Нурбоев ва Х.Раҳматова ўртасида 12-уй, 24-хонадон юзасидан 2018 йил 17 мартда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилиб, тарафлар дастлабки ҳолатга келтирилган, жавобгар Х.Раҳматовадан даъвогар Т.Нурбоевнинг фойдасига 228.000.000 сўм, давлат даро-

мадига 9.120.000 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Даъвогар Х.Раҳматованинг жавобгар Т.Нурбоевга нисбатан инсофли эгалловчи деб топиш ҳақидаги қарши даъво талаблари рад қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 26 февралдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, прокурорнинг даъво талабларини рад қилиш, қарши даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, 12-уй, 24-хонадон 1993 йил 1 февралдаги давлат ордерига асосан, М.Раҳимовага тегишли бўлиб, жавобгар Т.Нурбоев ушбу хонадонда 2004 йил 13 майдан буён доимий рўйхатда турган.

2014 йил 12 августда М.Раҳимова 67 ёшида вафот этган.

Т.Нурбоевнинг туман ҳокимлигига нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида мулк ҳуқуқини бел-

гилаш ҳақидаги даъвоси туманлараро судининг 2018 йил 9 январдаги ҳал қилув қарорига асосан қаноатлантирилиб, 12-уй, 24-хонадонга нисбатан Т.Нурбоевнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Т.Нурбоев мулк ҳуқуқини ўзининг номига давлат рўйхатидан ўтказганидан сўнг, 2018 йил 17 мартда нотариал тасдиқланган шартномага асосан, низоли уй-жойни Х.Раҳматовага сотган.

Бироқ кассация инстанциясининг 2018 йил 13 июлдаги ажримига асосан, туманлараро судининг 2018 йил 9 январдаги қарори бекор қилиниб, даъвогар Т.Нурбоевнинг даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Суд Фуқаролик кодексининг 113, 114-моддаларига асосланиб, мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи суд ҳужжати юқори инстанция суди томонидан бекор қилинганлиги сабабли Т.Нурбоев уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлмаганлигига асосланиб прокурорнинг даъвосини қаноатлантирган.

Бироқ прокурорнинг даъво талаби айнан кимнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш ва манфаатида киритилганлиги ҳолатига эътибор қаратилмаган.

Фуқаролик кодексининг 228-моддаси, 229-моддасининг биринчи қисми мазмунига кўра, мулк белгиланган асослар бўйича бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан фақат мулкдорнинг мурожаати асосида талаб қилиниши белгиланган.

Даъво аризаси давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи манфаатларида киритилган бўлса-да, низоли мулк Фуқаролик кодексининг 1157-моддаси талаблари асосида эгасиз деб топилмаган ва бошқанинг эгалигига ўтмаган.

Бундан ташқари низоли хонадоннинг марҳума мулкдор М.Раҳимованинг ушбу мазмунда низолашиш истагини билдирган ҳуқуқий вориси мавжудлиги аниқланмаган.

Жавобгар Х.Раҳматова низоли хонадонни ҳақ эвазига қонунда белгиланган тартибда нотариал расмийлаштирилган шартномага асосан сотиб олаётган вақтда Т.Нурбоевга эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги суд ҳужжати бекор қилиниши мумкинлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган.

Судлар низоли мулк марҳума мулкдор М.Раҳимова томонидан ёки у эгалик қилиш учун берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан эгалигидан чиқиб кетганлиги ҳолати аниқланмаганлиги боис, уни инсофли эгалловчиси жавобгар Х.Раҳматовадан талаб қилиб олишни инкор қилишини инобатга олмасдан прокурорининг даъвосини қаноатлантириш, қарши даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-475-20-сонли иш

### **7. Суд ундирувни суғурта ва кафилликка қонунда белгиланган ҳамда шартномада назарда тутилган бўлсагина қаратишга ҳақли**

Даъвогар Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси банк манфаатини кўзлаб жавобгарлар фермер хўжалиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб қувватлаш давлат жамғармаси, МЧЖ, М.Расулов, М.Нусратов ва "Ўзагросуғурта" АЖ туман бўлимига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, кредит қарздорлиги бўйича ундирувни гаровга қўйилган мулклар, кафиллик ва суғурта полисига қаратиш,

гаров мулкларининг бошланғич сотув баҳосини белгилашни сўраган.

Туманлараро судининг 2019 йил 27 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, кредит шартномаси бекор қилинган, банк фойдасига фермер хўжалиги, Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб қувватлаш давлат жамғармаси, МЧЖ, М.Расулов, М.Нусратов ва "Ўзагросуғурта" АЖ туман бўлимидан солидар тартибда гаровга қўйилган мол-мулк ва кафиллик шартномаси ҳамда суғурта полиси ҳисобидан кредит қарздорлиги ва по-



чта харажати учун жами 564.430.190 сўм ундириш, гаровдаги мулкларнинг бошланғич сотув баҳоси белгиланган.

Кассация инстанциясининг 2019 йил 18 апрелдаги ажрими билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, шу қисми бўйича ундирувни "Ўзагросуғурта" АЖ туман бўлиmidан ундиришга оид қисмини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 2 мартдаги ажрими билан суд қарорларининг Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллигига қаратишга оид қисми бекор қилиниб, шу қисми юзасидан даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, банк ва фермер хўжалиги ўртасида 2018 йил 5 июлда тузилган кредит шартномасига асосан фермер хўжалигига уч йил муддатга йиллик 20 фоиз устама тўлаш шarti билан 516.000.000 сўм кредит ажратилган.

Кредит таъминоти сифатида 2018 йил 18 июлда нотариал тасдиқланган гаров шартномасига биноан, МЧЖ, М.Расулов ва М.Нусратовга тегишли автомашиналар қўйилган.

Бундан ташқари 2018 йил 16 июлда банк, Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб қувватлаш давлат жамғармаси кредит суммасининг 250.000.000 сўмини қайтарилишини таъминлаш мақсадида кафиллик шартномаси ҳамда "Ўзагросуғурта" АЖ туман бўлими томонидан 2018 йил 10 июлда суғурта полиси тақдим этилган.

Бироқ фермер хўжалиги олган мажбуриятини бажармаганлиги боис муддати ўтган кредит қарзи ва фоизи вужудга келган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатлари ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 279, 735-736, 744-моддаларига асосланиб, шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, қарздорлик бўйича ундирувни гаров мулк-

ларига қаратиш ва ушбу мулкларни бошланғич баҳосини белгилаш ҳақида хулосага келган.

2018 йил 10 июлда тузилган суғурта шартномасининг 3.1-бандида кредит шартномаси бўйича кредит олувчи (дебитор) томонидан асосий қарзни гаровга қўйилган мулк билан таъминланмаган қисмини қайтара олмаслиги натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўриши суғурта ҳодисаси ҳисобланиши белгиланган.

Кассация инстанция суди суғурта шартномаси талаби ва қонун талабидан келиб чиқиб, кредит қарзни ундиришни "Ўзагросуғурта" АЖ туман бўлимига қаратишга оид қисмини рад қилган бўлса-да, судлар ундирувни кафилликка қаратишда шартнома ва ушбу муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ нормаларига риоя этмаган.

Аниқланишича, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 сентябрдаги 704-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисида"ги Низомнинг 78-79-бандлари ва 2018 йил 16 июлдаги кафиллик шартномасининг 2.4-бандига асосан, қарз олувчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган санадан (тегишли равишда бажармаганда) бошлаб, банк 90 календарь кун давомида қарз олувчидан кредит бўйича асосий қарзнинг қайтарилмаган суммасини олиш, ундан фоизларни ундириш ҳамда кредит шартномасида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши учун барча оқилона ва юзага келган вазиятда мумкин бўлган чоралар кўришга мажбур, жумладан:

тадбиркор ҳисоб рақамидаги маблағни унинг рухсатисиз олиб қўйиш;

гаров предметини ундириш ва таъминот бўйича талаблар қўйиш (жамғарма кафиллиги бундан мустасно).

Кафиллик шартномасининг 2.5-бандига биноан, муддатлар тугагач ва мазкур шартноманинг 2.4-бандида назарда

тутилган барча зарур тартиб-таомиллар бажарилгандан сўнг кредит шартномасида белгиланган тартибда банк олдидаги қарз суммаси қайтарилмаса, банк жамғармага талабларини қўяди.

Аммо судлар банк томонидан кафилик шартномаси ва Низом талабида

белгилаб қўйилган барча зарур тартиб тамойиллар бажарилмаганлигига эътибор қаратмасдан ундирувни жамғарманинг кафилигига қаратиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-481-20-сонли иш

### **8. Янги очилган ҳолат асослари тугал ҳисобланиб, уни кенгайтирилган ҳолда талқин қилишга йўл қўйилмайди**

Даъвогар АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" туман филиали жавобгарлар Р.Носирова ва С.Бегимовага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, унда кредит шартномасини бекор қилиш, уй-жойни давлат рўйхатидан ўтказиш, ипотека предметини суғурта қилиш шартномасини, ипотека шартномасини нотариал идорада тузиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юк-лаш, ундирувни уй-жойга қаратиш ва уй-жойнинг бошланғич баҳосини белгилашни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 12 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилиниб, жавобгарлар Р.Носирова ва С.Бегимовадан банк фойдасига кредит қарзи бўйича ундирув гаров мулки бўлган намунавий уй-жойга қаратилган ҳамда турар жойнинг кимошди савдо-сидаги бошланғич баҳоси белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 5 июндаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 29 январдаги ажрими билан АТ "Қишлоқ қурилиш банки" туман филиалининг аризаси қаноатлантирилган ва ишни қайта кўриш тайинланган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 5 февралдаги ажрими билан туманлараро судининг 2017 йил 12 июлдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 10 фев-

ралдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг 2019 йил 29 январдаги ажрими бекор қилиниб, суд қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза рад қилинган.

Аниқланишича, 2013 йил 15 майда АТ "Қишлоқ қурилиш банки" туман филиали билан жавобгарлар Р.Носирова ва С.Бегимова ўртасида намунавий уй-жойни қуриш учун 15 йил муддатга йиллик 7 фоиз устама билан 79.590.000 сўм ипотека кредити бериш тўғрисида кредит шартномаси имзоланган.

"Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси томонидан уй-жой қуриб битказилиб, Р.Носировага 2014 йил 8 декабрда далолатнома билан топширилган ва унда уй-жойнинг баҳоси 139.098.741 сўм эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Судга даъво тақдим этилган вақтда уй-жой жавобгар Р.Носированинг номига давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва тегишлича кредит таъминоти сифатида гаров шартномаси расмийлаштирилмаган.

Биринчи инстанция суди кредит қарздорлиги вужудга келиб, шундан муддати ўтган асосий кредитдан 2.587.000 сўм ва фоиздан 420.000 сўм қарздорлиги кўрсатиб даъвони тўлиқ қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқаришда амалда 948.000 сўм муддати ўтган кредит қарздорлиги мавжудлиги тўғрисида 2017 йил 29 августда Марказий банк вилоят бошқармаси, АТ "Қишлоқ қурилиш банки" вилоят ҳамда туман филиали томонидан тузилган да-

лолатномани асос сифатида келтирган.

Аммо далил сифатида инобатга олинган ушбу далолатнома зудлик билан тайёрланганлиги боис унда ҳолатлар тўлиқ ифода этилмаганлиги, 2019 йил 9 ва 17 январда кредит тўлови юзасидан Марказий банк вилоят бошқармаси, АТ "Қишлоқ қурилиш банки" вилояти филиали томонидан янгидан далолатномалар тузилганлигини, жавобгар кредит шартномаси бўйича мажбуриятини тўлиқ бажармаганлиги, уй-жойда жавобгар Р.Носирова яшамаганлиги, суд қарори асосида уй-жой фуқаро Н.Раҳимовага сотилганлиги ва у ҳозирга қадар унда истиқомат қилиб келаётганлиги, фуқаро Н.Раҳимованинг оила-

си билан боришга уй-жойи йўқлиги АТ "Қишлоқ қурилиш банки" туман филиалининг аризасида янги очилган ҳолат бўйича ишни қайта кўришга асос сифатида кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси аризада Фуқаролик процессуал кодексининг 437-моддасида қайд этилган асосларнинг бирортаси ҳам мавжуд эмаслиги, қонуннинг ушбу нормасини кенгайтирилган ҳолда талқин этиб бўлмаслиги ва ушбу асослар рўйхати тугал ҳисобланишини инобатга олмасдан аризани қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

*6-2067-19-сонли иш*

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йил биринчи чорагида Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари назорат тартибида қайта кўрилган.

2020 йилнинг биринчи чораги давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги назорат шикоятлари сони 147 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 539 та назорат шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан 145 таси қайтарилган, 46 таси қабул қилиш рад этилган, 139 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 200 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

199 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан 79 таси бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 22 та суд қарори ўзгартирилган, 98 та суд қарори эса, бекор қилинган.

Жумладан, 29 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 43 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 19 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган,

1 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 6 таси бўйича иш юритиш тугатилган, 157 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан жами 7 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 7 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (5 та қонун ва 2 та қонуности ҳужжатлари), 2 та Олий суд Пленуми қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқилишида иштирок этилган. Суд амалиёти юзасидан 2 та умумлаштириш ўтказилиб Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Шунингдек, Навоий вилояти иқтисодий судларининг одил судловни амалга ошириш бўйича 2018-2019 йиллардаги фаолияти амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганилиб, натижалари Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Фуқаролик кодекс бундан буён матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекс (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

## I. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

**1. Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини қабул қилгунига қадар, агар иш ушбу шахсларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ёки мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, даъвогар ёхуд жавобгар тарафида ишга киришиши мумкин. Улар тарафнинг илтимосномасига ёки суднинг ташаббусига кўра ҳам, ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин.**

**Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсни ишда иштирок этишга жалб қилиш ёки жалб қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади**

"Давлат мулкани ижарага бериш маркази" давлат корхонаси (бундан буён матнда ижарага берувчи деб юритилади), "Т" МЧЖ (бундан буён матнда балансда сақловчи деб юритилади) ва "Р" МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ўртасида инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан ижарага бериш тўғрисида тузилган шартномага кўра, ижарага берувчи жавобгарга бинони (бундан буён матнда объект деб юритилади) ижарага берган.

Шунингдек, "Туман кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ва жавобгар ўртасида тузилган эксплуатация хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг 1.1-бандига мувофиқ даъвогарнинг ҳудудида жойлашган ижарага олинган объектда даъвогар томонидан эксплуатация хизматларини кўрсатиш, жавобгар эса, кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг иловасига мувофиқ 1м<sup>2</sup> учун ойлик тўлов суммаси 1 640 сўмни, жами бир ойлик тўлов суммаси 3 791 680 сўмни, йиллик тўлов суммаси эса, 45 500 160 сўмни ташкил этиши белгиланган.

Шунингдек, шартноманинг 2.3-бандида эксплуатация хизматлари учун нархлар ўзгарганда ва бу ўзгаришлар ҳокимият томонидан тасдиқланган тақдирда, даъвогар жавобгарни бу ҳақда 5 кун ичида хабардор қилиши ва ҳисоб-китобларни янги тариф бўйича амалга оширишни давом эттириши белгиланган.

"Муниципиал активларни бошқариш маркази" давлат унитар корхонаси ва даъвогар томонидан тасдиқланган калькуляцияда 2019 йил учун эксплуатация хизматлари қиймати қўшимча қиймат солигини инобатга олмаганда бир ойда 1м<sup>2</sup> учун 5 620,09 сўмни, бир йилга 67 440,04 сўмни ташкил этиши назарда тутилган.

Шунга кўра, шартноманинг 2.3-банди талабларидан келиб чиқиб, даъвогар томонидан жавобгарга 2019 йил учун эксплуатация харажатлари ошганлиги маълум қилинган ҳамда амалдаги шартномага асосан янги тариф бўйича тўловлар ўз вақтида тўланмаганда шартномаларни бекор қилиш юзасидан судга мурожаат қилиниши тўғрисида огоҳлантирилган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) даъвогар манфаатида туманлараро иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ижара шартномасини бекор қилиш ҳамда жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 16 868 352 сўм асосий қарз ва 1 871 055 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ишни судда кўриб чиқиш жараёнида Палата қўшимча даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан вужудга келган 48 052 608 сўм асосий қарз ва 6 072 607 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 48 052 608 сўм асосий қарз ва 6 072 607 сўм пеня ундирилган. Даъво талабининг ижара шартномасини бекор

қилиш қисмини қаноатлантириш рад қилинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг суд харажатларини тақсимлаш қисми ўзгартирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, ижарага берувчи, балансда сақловчи ва жавобгар ўртасида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шarti билан ижарага бериш тўғрисида тузилган шартномага кўра ижарага берувчи жавобгарга объектни ижарага берган.

Кейинчалик ижарага берувчи, даъвогар (балансда сақловчи) ва жавобгар ўртасида шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қўшимча келишув битими тузилган.

Шунингдек, даъвогар ва жавобгар ўртасида эксплуатация хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилган.

Фуқаролик кодексининг 382-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, агар ушбу кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

- 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;
- 2) ушбу кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Фуқаролик кодексининг 384-моддаси иккинчи қисмига биноан, бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса — ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Даъвогар талабнома ва огоҳлантириш хати билан жавобгарга мурожаат қилиб, эксплуатация хизматлари учун янги тариф бўйича тўловларни ўз вақтида тўлашни, акс ҳолда, тарафлар ўртасида тузилган шартномаларни бекор қилиш бўйича судга даъ-

во аризаси киритилиши ҳақида огоҳлантирилган.

Жавобгар томонидан эксплуатация хизматлари учун янги тариф бўйича тўловлар амалга оширилмаганлиги сабабли Палата даъвогар манфаатида судга мурожаат этиб, ижара шартномасини бекор қилишни ҳамда қарздорлик суммасини неустойка билан бирга ундиришни сўраган.

Бекор қилиш сўралган ижара шартномаси уч томонлама, яъни ижарага берувчи, даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган бўлса-да, Палата даъво аризасида ижарага берувчини тараф (жавобгар ёки учинчи шахс) сифатида кўрсатмаган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 44-моддасида даъво бир неча даъвогар (шерик даъвогарлар) томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга (шерик жавобгарларга) нисбатан тақдим этилиши мумкинлиги, суд даъвогарнинг илтимосномаси бўйича ҳам бошқа жавобгарни ишда иштирок этиш учун жалб этишга ҳақлилиги, бошқа жавобгарни ишда иштирок этишга жалб этиш ёки жалб этишни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқарилиши белгиланган.

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодексининг 48-моддасига кўра, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини қабул қилгунига қадар, агар иш ушбу шахсларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ёки мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, даъвогар ёхуд жавобгар тарафида ишга киришиши мумкин. Улар тарафнинг илтимосномасига ёки суднинг ташаббусига кўра ҳам ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсни ишда иштирок этишга жалб қилиш ёки жалб қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ишни кўриш жараёнида даъвогар ижарага берувчини ишга даъво предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилиш ҳақида илтимоснома киритган.

Бироқ биринчи инстанция суди ижарага берувчини ишга учинчи шахс сифатида жалб этиш ҳақида ажрим чиқармаган, балки ҳал қилув қарори билан ижарага бе-

рувчини учинчи шахс сифатида ишга жалб этган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 48-моддаси тўртинчи қисмига кўра, агар низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ишга суд муҳокамаси бошланганидан кейин киришса, ишни кўриш бошидан бошланади.

Аммо биринчи инстанция суди ижарага берувчини ишга учинчи шахс сифатида жалб этган бўлса-да, ишни кўришни бошидан бошламаган.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция суди низо юзасидан қарор қабул қилишда процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри

қўллаб, ишга жалб қилинмаган ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган, кассация инстанцияси суди эса, биринчи инстанция судининг хатосини тузатмасдан, ҳал қилув қарорининг фақат давлат божи ундириш қисмини ўзгартирган.

Шунинг учун судлов ҳайъати жавобгарнинг назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1001-1915/14226-сонли иш

## **2. Иқтисодий суд зарарнинг ўрнини қоплаш ва муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклатиш каби низоларни ҳал этади.**

### **Қарши даъво ни тақдим этиш ва иш юритишга қабул қилиш процессуал кодексда даъво аризаларини тақдим этиш ва иш юритишга қабул қилиш учун белгиланган қоидалар бўйича амалга оширилади**

Фуқаро А.га туман ҳокимининг экинлари жойлаштириш бўйича қабул қилган қарорига мувофиқ экинлар етиштириш, боғдорчилик, сабзавотчилик, ғаллачилик ҳамда техник ва мойли экинлар етиштириш учун ер майдони ажратилган. Ушбу қарор билан туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи зиммасига танлов ғолиби билан 30 йил муддатга ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартномани туман ҳокими билан тузиш ҳамда унга ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш юклатилган.

Мазкур қарор асосида "В" фермер хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ташкил этилиб, унинг устави туман давлат хизматлари маркази томонидан реестр рақами билан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан туман ҳудудида "Т" кластери МЧЖни ташкил этишга ва унинг таркибига кирадиган агросаноат корхоналарига тумандаги жами 35,4 минг гек-

тар суғориладиган ер ва 3,1 минг гектар балиқчилик кўлларини ажратиб беришга розилик берилган.

Мазкур қарор ижроси юзасидан вилоят ҳокими ва туман ҳокимининг тегишли қарорлари қабул қилинган.

Шунингдек, мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимининг "Туманда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари фойдаланишидаги суғориладиган экин ер майдонларини туман захирасига қайтариб олиш тўғрисида" қарори ҳам қабул қилинган.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори билан туман ҳокимининг мазкур қарори тасдиқланган. Кенгаш қарорига тумандаги захирага олинандиган ерлар тўғрисидаги жадвал илова қилинган бўлиб, унда жавобгарга ажратилган ер майдони ҳам кўрсатиб ўтилган.

Туман ҳокимининг қарори билан ушбу ерлар "Т" кластери МЧЖ томонидан таъсис этилган корхоналарга, шу жумладан, 31,486 минг гектар ер майдони "Т" кластери МЧЖга (бундан буён матнда даъвогар ёки МЧЖ деб юритилади) ажратиб бе-

рилган.

Туман ҳокимининг бошқа бир қарори билан фермер хўжалиklarининг 24,961 минг гектар ер майдонлари, шу жумладан, жавобгарнинг ер майдони ҳам туман захира ерлари ҳисобига қайтарилиб, улар билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартномалар бекор қилинган.

Шундан сўнг даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар томонидан ноқонуний эгаллаб келинаётган қишлоқ хўжалиги ер майдонларини олиб беришни сўраган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) жавобгар манфаатида судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогар зиммасига низоли ер бўйича харажатларни тўлиқ қоплаганидан сўнг ушбу ердан фойдаланиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, жавобгар томонидан ноқонуний эгалланган қишлоқ хўжалиги ер майдони даъвогарга олиб берилган. Палатанинг жавобгар манфаатида киритган қарши даъво аризасини қабул қилиш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларидан норози бўлиб, Палата назорат шикоят билан мурожаат қилган ва суд қарорларини бекор қилиб, зарар ва бой берилган фойдани туман ҳокимлигидан ундириш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 160-моддасига кўра, иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун қарши даъво тақдим этишга ҳақли.

Қарши даъво қуйидаги ҳолларда тақдим этилиши мумкин, агар:

1) қарши талаб дастлабки талабни ҳисобга олишга қаратилган бўлса;

2) қарши даъвони қаноатлантириш дастлабки даъвони тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни истисно қилса;

3) қарши даъво билан дастлабки даъво

ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низоли ўз вақтида ва тўғри ҳал этишга олиб келса.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, мазкур иш доирасида Палата жавобгар манфаатида судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогар зиммасига низоли ер бўйича қилинган харажатларни тўлиқ қоплаганидан сўнг ушбу ердан фойдаланиш мажбуриятини юклашни сўраган. Мазкур қарши даъвога илова қилинган "Н" МЧЖ шаклидаги баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш ҳисоботида жавобгарга тегишли мевали дарахтлар боғ жойлашган ер участкасини олиб қўйилиши муносабати билан унга етказилган зарар ва бой берилган фойда 753 891 667 сўмни ташкил қилганлиги қайд этилган.

Биринчи инстанция суди қарши даъводаги биринчи талаб ноаниқ бўлганлиги, иккинчи талаб эса, мажбурият эмас, балки ҳуқуқ эканлиги, шунга кўра, низо судга тааллуқли эмаслиги ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки Иқтисодий процессуал кодексининг 26 ва 184-моддаларида иқтисодий суд зарарнинг ўрнини қоплаш ва муайян харажатларни амалга ошириш мажбуриятини юклатиш каби низоларни ҳал этиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда биринчи инстанция суди қарши даъвони иш юритишга қабул қилиб, уни мазмунан кўриб чиқиши ва ундаги талаблар бўйича тегишли қарор қабул қилиши лозим эди.

Бундан ташқари биринчи инстанция суди қарши даъвони қабул қилишни рад этиш ҳақида ажрим чиқармасдан, мазкур масалани суднинг ҳал қилув қароридан ҳал этган.

Ваҳоланки, Иқтисодий процессуал кодексининг 161-моддасига кўра, қарши даъво ни тақдим этиш ва иш юритишга қабул қилиш ушбу кодексда даъво аризаларини тақдим этиш ва иш юритишга қабул қилиш учун белгиланган қоидалар бўйича амалга оширилади.

Иқтисодий процессуал кодексининг 150-моддаси иккинчи қисмида даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилиши белгиланган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам юқори-



да қайд этилган процессуал ҳуқуқ нормаси талабларига риоя қилмаган ва биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатони тузатмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида асоссиз қарор қабул қилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 302-моддаси тўртинчи қисми 7-бандига кўра, билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги биринчи инстан-

ция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш ва суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1103-1901/2169-сонли иш

**3. Тарафлардан бири низоли ёки суд ҳужжати билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган ҳолларда (юримдик шахснинг қайта ташкил этилиши, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва мажбуриятлардаги шахслар ўзгаришининг бошқа ҳолларида) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириши, ҳуқуқий ворислик иқтисодий суд ишларини юришнинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин**

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда сотувчи деб юритилади) ва "М" МЧЖ (бундан буён матнда харидор деб юритилади) ўртасида ҳамда "Ф" МЧЖ (бундан буён матнда шартнома иштирокчиси деб юритилади) иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарорига асосан, "Ф" МЧЖнинг устав фондидаги қиймати 6 521 548 893 сўмни ташкил қилган 98,79 фоиз давлат улушини сотиш бўйича олди-сотди шартномаси имзоланган.

Шартноманинг 3.1-бандида 6 521 548 893 сўм давлат улушининг 15 фоизи, яъни 978 232 334 сўми харидор томонидан олдиндан тўланиши, қолган 5 543 316 559 сўми мазкур шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб саккиз чорак мобайнида, ҳар чорак охири ойининг бешинчи санасигача 692 914 570 сўмдан сотувчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўланиши белгиланган.

Харидор томонидан кечиктирилган ҳолда тўловлар амалга оширилганлиги важлари билан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, харидордан 12 513 591 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ўз навбатида, харидор судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасининг 3.1 ва 4.1.1-бандларидаги давлат улушини сотиб олиш нархини камайтирган ҳолда ўзгартиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга "Ф" МЧЖ низонинг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан харидорнинг қарши даъво аризаси иш юритувга қабул қилинган. Даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, харидордан даъвогар фойдасига 6 256 759 сўм пеня ундирилган. Қарши даъво талаби қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида ҳамда "Ф" МЧЖ иштирокида тузилган олди-сотди шартномасининг 3.1 ва 4.1.1-бандларидаги 6 521 548 893 сўм деган сўз ва 6 122 930 893 сўмга, 3.1-бандидаги 5 543 316 559 сўм деган сўз ва 5 144 698 559 сўмга ўзгартирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур суд қарорлари устидан даъвогар томонидан назорат шикояти берилиб, унда ҳал қилув қарорининг қарши даъво талабини қаноатлантириш қисмини ва кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш қисмини бе-

кор қилиш ҳамда қарши даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш сўралган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 46-моддасида тарафлардан бири низоли ёки суд ҳужжати билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган ҳолларда (юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва мажбуриятлардаги шахслар ўзгаришининг бошқа ҳолларида) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вори билан алмаштириши, ҳуқуқий ворислик иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Судлов ҳайъати харидор жавобгарга қўшилганлигини инобатга олиб, харидорни унинг ҳуқуқий вори билан алмаштиришни лозим деб топган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлилиги, ишончлилиги ва етарлилик ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 69-75-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослантилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатлари билан харидор томонидан тўловлар кечиктириб амалга оширилганлиги ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди Фуқаролик кодексининг 326-моддасига асосан даъво аризасида ундирилиши сўралаётган пеня суммасини қисман қаноатлантириш ва харидордан 6 256 759 сўм пеня ундириш тўғрисида асосли хулосага келган.

Бироқ суд қарши даъвони муҳокама қилишда иш ҳолатларини тўлиқ ўрганмасдан ва ишдаги далилларга етарлича баҳо бермасдан қарши даъвони қаноатлантириш тўғрисида асоссиз хулосага келган.

Хусусан, харидор қарши даъво аризасида "Ф" МЧЖнинг мол-мулклари даъвогар

томонидан тайинланган директор томонидан талон-тарож қилинганлиги ва жамиятга зарар етказилганлигини асос қилиб, тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасининг 3.1 ва 4.1.1-бандларидаги давлат улушини сотиб олиш нархини харидор томонидан даъвогарга олдиндан тўланган 978 232 334 сўмни чегириб ташлаган ҳамда 398 618 000 сўмга камайтирилган ҳолда ўзгартиришни сўраган.

Бироқ биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукмида "Ф" МЧЖнинг собиқ директори МЧЖнинг товар моддий бойликларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилганлиги ҳамда жамиятга мулкий зарар етказилганлиги ўз тасдиғини топиб, ундан 398 618 000 сўм етказилган зарар суммаси айнан "Ф" МЧЖ фойдасига ундирилганлиги инобатга олинмаган.

Бундан ташқари биринчи инстанция суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйилган, яъни қарши даъво талабини қаноатлантиришда ФК 399 ва 413-моддаларига асосланган.

Мазкур моддаларда сотиб олувчига кам миқдорда ёки бут бўлмаган товар топширилганда у сотувчидан унга тўлаган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга, шартномани бажаришдан бош тортишга ва ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлилиги белгиланган. Мазкур моддаларда шартномага унинг баҳосини суд қарори билан камайтириш орқали ўзгартириш киритиш мумкинлиги белгиланмаган.

Бундай ҳолатда, биринчи инстанция суди қарши даъво талабини қаноатлантиришни рад этиши лозим эди.

Кассация инстанция суди ҳам биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган ушбу камчиликларни бартараф этмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандида қарор одил судловнинг конституциявий асосларини амалга оширадиган ва Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинадиган ҳужжат сифатида қонуний ва асослантилган бўлиши ҳақидаги Иқти-

содий процессуал кодексининг 18-боби талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этилиши шартлиги, суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик Иқтисодий процессуал кодексининг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши, суд томонидан Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган,

юзаси, асослантилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати назорат шикоятини қаноатлантириш, "М" МЧЖни унинг ҳуқуқий вориси "МД" МЧЖ билан алмаштириш, ҳал қилув қарорининг қарши даъво талабини қаноатлантириш қисмини ва кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш қисмини бекор қилиш, қарши даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1101-1903/1522-сонли иш

#### **4. Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади**

"Худудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ва туман халқ таълими бўлими ўртасида юридик шахслар учун электр таъминоти шартномалари тузилган бўлиб, уларга кўра, даъвогар туман халқ таълими бўлимига электр энергиясини етказиб бериш, туман халқ таълими бўлими эса, унинг ҳақини тўлаб бориш мажбуриятини олган.

Туман халқ таълими бўлимига қарашли умумий ўрта умумтаълим мактаби (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) томонидан шартномавий мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида 83 534 655 сўм қарздорлиги вужудга келганлиги, мазкур қарз ихтиёрий равишда тўлаб берилмаганлиги ҳақидаги важлар билан даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 83 534 655 сўм асосий қарз ва 8 771 655 сўм пеня ундиришни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ажрими билан даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими бекор қилиниб, даъво талабларини қисман қаноатлантириш, жавобгардан даъвогар фойдасига 83 534 655,54 сўм асосий қарз ва 2 000 000 сўм пеня ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Жавобгар томонидан мазкур суд қарори устидан назорат шикояти берилиб, унда суд

қарорини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун юбориш сўралган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 127-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суд ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ушбу шахсларга тилхат олиб топширилади ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилинади. Иқтисодий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ажрим орқали, зарур ҳолларда эса, суд чақирув қоғозлари, телеграммалар, факслар, телетайплар ҳамда бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва судга чақирилади.

Биринчи инстанция суди мазкур процессуал ҳуқуқ нормасини бузган ҳолда даъвогарни суд мажлиси жойи ва вақти тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилмасдан, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида асоссиз хулосага келган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 161-сонли қарори 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантилмаган ҳисоблани-

ши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлиги, ишончлилиги ва етарлилик ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 69-75-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослантирилган бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатлардан аниқланишича, 2018 йил июль ойида жавобгар томонидан истеъмол қилинган электр энергия бўйича тарафлар ўртасида расмийлаштирилган юк хатида 560 кВт миқдоридagi электр энергияси ишлатганлиги қайд этилган бўлиб, шу йилнинг август ойида эса, жавобгар 323 120 кВт миқдоридa электр энергияси яни ишлатганлиги юк хатида кўрсатилган.

Бироқ кассация инстанцияси суди мазкур ойлардаги электр энергиясининг истеъмоли ўртасидаги тафовут нимадан келиб чиққанлигини аниқламаган ҳамда даъво суммасининг ҳисоб-китоби ва уни ҳисоблашда асос сифатида олинган норматив ҳужжатларни даъвогардан талаб қилиб олмаган.

Бундан ташқари кассация инстанцияси суди даъво аризасига илова қилинган 2018 йил 3 мартда ва 2019 йил 10 февралда юридик шахслар учун электр таъминоти шартномалари жавобгар билан эмас, балки туман халқ таълими бўлими билан тузилганлигига эътибор бермаган ҳамда иш бўйича жавобгар юридик шахс ёки юридик шахс эмаслиги ҳолатига аниқлик киритмасдан ва белгиланган тартибда тегишли жавобгар сифатида туман халқ таълими бўлимини ишга жалб қилмасдан, даъво талабларини қисман қаноатлантириш тўғрисида барвақт хулосага келган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 161-сонли қарори 1-бандида қарор одил судловнинг конституциявий асосларини амалга оширадиган ва Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинадиган ҳужжат сифатида қонуний ва асослантирилган бўлиши ҳақидаги ИПК 18-боби талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этилиши шартлиги, суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши, қайд этилган талабларга риоя этмаслик Иқтисодий процессуал кодексининг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 302-моддаси тўртинчи қисми 4-бандига кўра, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати назорат шикоятини қаноатлантириш, суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1604-1902/1169-сонли иш

**5. Агар даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, бунда шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти бой берилган бўлса, суд иш юритишни тугатади**

"Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) томонидан "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг "Қарши минтақавий темир йўл узели" унитар корхона-

сига (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2018 йил декабрь ойида уч ой декага бўлиниб, яъни 2018 йил 1 декабрдан 10 декабргача, 2018 йил 11 декабрдан 20 декабргача, 2018 йил 21 декабрдан 31

декабргача бўлган даврга 52/3576-сонли транспортда юк ташишга буюртма берилган.

2018 йил декабрь ойига мўлжалланган 52/3576-сонли ташиш режасига мувофиқ 160 ярим вагонда 10880 тонна олтингургут бўлагини (сера комовая) "Серный завод" АЖ "УТЙ" —"Учкудук-1" АЖ "УТЙ" йўналиши бўйича ташиш режалаштирилган.

2018 йил декабрь ойида мўлжалланган 52/3576-сонли ташиш режасининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоб карточкасига асосан, 2018 йил декабрь ойининг биринчи декадасидаги буюртмаси бўйича 53 ярим вагон ўрнига 14 ярим вагон, 2018 йил декабрь ойининг иккинчи декадасидаги буюртмаси бўйича 54 ярим вагон ўрнига 40 ярим вагон, 2018 йил декабрь ойининг учинчи декадасидаги буюртмаси бўйича 53 ярим вагон ўрнига 40 ярим вагон етказиб берилган.

2018 йил декабрь ойида жавобгарнинг айби билан жами 79 ярим вагон етказиб берилмай, 5 371 тонна маҳсулот ташилмасдан қолган.

Шу боис даъвогар иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 108 886 283 сўм жарима ундиришни сўраган.

Суднинг 2019 йил 16 августдаги ажрими билан ишга низонинг предметида нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 19 августдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 22 октябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар жавобгардан Ўзбекистон Республикаси темир йўл уставининг 120-моддаси асосида, ташиш режасини бажариш учун темир йўллар томонидан вагонлар етказиб берилмаганлиги сабабли ташилмай қолган юкларнинг ҳар тоннаси учун энг кам иш ҳақининг 0,1 фоиз миқдорида 108 886 283 (5371 x 202730) жарима ундиришни сўраган.

Даъвогар жаримани тўлаш тўғрисидаги талабномани жавобгарга юбормасдан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга 2019 йил

5 февралда мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси темир йўл уставининг 152-бандига мувофиқ, темир йўлларга талабномалар 6 ойлик муддатда, жарималар тўлаш бўйича эса, 45 кун мобайнида тақдим этилади.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ўз навбатида, даъвогарга 2019 йил 19 февралда 58/2019-сонли хат билан, ушбу масалада жавобгарга мурожаат қилиш лозимлиги тўғрисида жавоб берган.

Шундан сўнг даъвогар 2019 йил 5 мартда жавобгарга талабнома юбориб, ундан 108 886 283 сўм жарима тўлашни талаб қилган.

Фуқаролик кодексининг 261-моддасига мувофиқ, неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

Қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.

Амалдаги юк ташиш Қоидаларининг (1965 йил 21 сентябрь) талабномаларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш номли 38-бўлими 1-параграфининг ўн биринчи қисмига мувофиқ, темир йўлда юк ташиш режасининг бажарилмаганлиги учун жарима тўлаш ҳақидаги талабномалар темир йўлнинг бўлинмаларига (яъни минтақавий темир йўл узелига) кўриб чиқиш учун юборилади.

Шунга кўра, даъвогарда 2019 йил 15 январидан бошлаб 45 кун ичида талабнома киритиш ҳуқуқи мавжуд бўлганлиги, даъвогар томонидан жавобгарга талабнома бериш муддати ўтказилиб, яъни талабнома билдиришнинг охириги муддати 2019 йил 1 март бўлса-да, талабнома 2019 йил 5 мартда юборилган. Бу билан даъвогар амалдаги Ўзбекистон Республикаси темир йўл уставининг 152-банди талабларини бузган, бунинг оқибатида даъвогар томонидан низони судгача ҳал қилиш тартибига уставда белгиланган муддатда қўллаш имконияти бой берилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 110-моддаси 8-бандида, агар даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, бунда шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш

имконияти бой берилган бўлса, суд иш юритишни тугатиши белгиланган.

Демак, биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво аризаси бўйича иш юритишни тугатиш ўрнига даъвогарнинг жарима ундириш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ноқонуний тўхтамга келган, апелляция инстанцияси суди эса, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Даъвогарнинг важлари билан келишиб бўлмади, чунки талабнома юридик шахс

мақомига эга бўлган жавобгарга юборилиши лозим эди ҳамда даъвогарнинг ўзи даъво аризаси бўйича жавобгарни кўрсатган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш, даъвогарнинг жавобгардан 108 886 283 сўм жарима ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

4-1801-1902/2785-сонли иш

## II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

### **1. Уруғлик дон етиштирувчи хўжаликлар томонидан бошоқли дон уруғликлари нав ва авлодлари бўйича ғалла қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарига "Ўздавуруғназоратмарказ" томонидан берилган экиш сифат кўрсаткичларини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати нусхаси ва 193, 197-сонли шакллардаги тузилган уруғлик майдонида ўтказилган апробация далолатномасини топшириши, уруғлик доннинг авлоди, нави ва нав софлиги стандарт талабига жавоб берувчи бирламчи ҳужжатлар "Ўздавуруғназоратмарказ"нинг ҳудудий бўлимлари томонидан тасдиқланган бўлиши шарт**

"Х" фермер хўжалиги (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) билан "Донмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти (бундан буён матнда жавобгар ёки тайёрловчи деб юритилади) ўртасида "Давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон экинлари уруғларини харид қилиш бўйича" тузилган контрактация шартномасига кўра, даъвогар жавобгарга 128 тонна "газган" навли "элита" авлоди бўлган уруғлик буғдой етказиб бериш, жавобгар эса, етказиб берилган маҳсулот учун белгиланган ягона харид нархда 1 тонна маҳсулот учун 1 007 000 сўмдан ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Шунингдек, шартноманинг 3.1-бандида маҳсулотнинг ягона харид нархига шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган нав устамалари қўшиб тўланиши ҳамда шартноманинг умумий баҳоси 128 896 000 сўмни ташкил этиши белгиланган.

Шартноманинг 3.2-бандига кўра, шартнома бўйича давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулот учун ягона нархга нав устамалари суперэлита - 200 фоиз, элита — 100 фоиз, 1-репродукция-

ли биринчи синф эса, 65 фоиз миқдорида кўрсатилган.

Даъвогар томонидан жавобгарга 128 тонна маҳсулот етказиб берилган. Жавобгар томонидан ушбу маҳсулот уруғлик буғдойи эмас, балки учинчи синф буғдой сифатида қабул қилиниб, даъвогарга 128 896 000 сўм тўлаб берилган.

Шунинг учун туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши даъвогар фермер хўжалиги манфаатида туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгардан 90 000 000 сўм устама, 18 000 000 сўм жарима ва 45 000 000 сўм пеня, жами 153 000 000 сўм ундиришни сўраган.

Ишни судда кўриш жараёнида Кенгаш судга даъво мазмуни ва талабини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, хатога йўл қўйилганлиги сабабли жами даъво талабини 219 123 000 сўм деб ҳисоблашни ва ушбу суммани ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан Кенгашнинг аризаси иш

юритишга қабул қилинган ва даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 128 896 000 сўм устама қарзи ва 25 779 000 сўм пеня ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 29 июлда 1499-сон билан рўйхатга олинган "Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг (бундан буён матнда Йўриқнома деб юритилади) 4 ва 5-бандларига кўра, уруғлик дон етиштирувчи хўжаликлар томонидан бошоқли дон уруғликлари нав ва авлодлари бўйича ғалла қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарига белгиланган шаклдаги бирламчи ҳужжатлар билан биргаликда топширилади.

Бирламчи ҳужжатларга қуйидагилар киради:

а) "Ўздавуруғназоратмарказ" томонидан берилган экиш сифат кўрсаткичларини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати нусхаси;

б) 193, 197-сонли шакллардаги уруғлик майдонида ўтказилган апробация далолатномалари.

Дон қабул қилиш корхоналарига топширилган 193 ва 197-шакллардаги апробация далолатномалари бўйича уруғлик доннинг авлоди, нави ва нав софлиги стандарт талабига жавоб берувчи бирламчи ҳужжатлар "Ўздавуруғназоратмарказ"нинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Бирламчи ва Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида уруғлик дон тайёрловчилар (дон қабул қилиш корхона) томонидан қабул қилингандан кейин:

- "Ўздавуруғназоратмарказ"нинг вилоят ва туман бўлимлари томонидан дон қабул қилиш корхоналарига топширилган уруғлик партиялари бўйича уруғликнинг яшовчанлиги аниқланади (Йўриқноманинг 6-банди);

- дон қабул қилиш корхоналарига қабул қилинган уруғлик партиялари қайта ишлангандан кейин давлат стандарти та-

лаблари асосида ўртача намуналар қабул қилиб олинади ва "Ўздавуруғназоратмарказ"нинг синов лабораторияларига топширилади (Йўриқноманинг 7-банди);

- қабул қилинаётган уруғлик дон сифати (яшовчанлиги, унувчанлиги) борасида шубҳа туғилганда, бундай уруғлик партиялари алоҳида жойлаштирилади. Ушбу уруғлик донлардан яшовчанлик, унувчанлигини такрорий аниқлаш учун "Ўздавуруғназоратмарказ"га ўртача намуна танлаб олинади ва жўнатилади (Йўриқноманинг 9-банди).

Шунингдек, Йўриқноманинг 10-12-бандларида нав ҳужжатлари хўжалик раҳбари ёки унинг ўринбосари, моддий жавобгар шахс томонидан имзоланиши ва хўжалик муҳри билан тасдиқланиши лозимлиги, бир хил уруғлик дон партияларига биринчи автомашина (вагон ва бошқалар) билан корхонага етказиладиган уруғликнинг нав ҳужжатлари топширилиши кераклиги, шу партиядаги уруғлик донга эга бўлган кейинги машиналарнинг юкхатлари тегишли нав ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилиши, уруғлик дон учун нав ҳужжати бўлмаганда, у тўлиқ тўлғазилмаганида ва ҳужжатда кўрсатилган уруғлик дон сифати тўғри келмаганда дон топширувчининг розилиги билан ушбу партия оддий (товар) дон сифатида қабул қилиниши белгиланган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар юк жўнатиш автоулов ҳисоб ҳужжатлари асосида жавобгарга жами 132110 килограмм маҳсулот топширган ва ушбу маҳсулотга жавобгар томонидан сифати ўртача суткалик намуна асосида аниқланиб, қабул қилинган дон учун товар транспорт юкхатларининг реестрлари тузилиб, қабул квитанциялари орқали қабул қилиб олинган. Юк жўнатиш автоулов ҳисоб ҳужжатларида даъвогар томонидан етказиб берилган маҳсулот тури "буғдой" деб кўрсатилган ҳамда Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги сабабли ушбу маҳсулот оддий дон сифатида қабул қилинган.

Шунинг учун шартноманинг 3.1-бандига асосан жавобгар томонидан қабул қилинган учинчи синф буғдойи учун даъвогарга 128 896 000 сўм тўлаб берилган.

Даъвогарнинг тақдим этилган апробация далолатномасини жавобгар қабул қилмаганлиги ҳақидаги важи қабул қилинмайди. Чунки Йўриқноманинг 4-бандида уруғлик дон етиштирувчи хўжаликлар томонидан бошоқли дон уруғликлари нав ва авлодлари бўйича ғалла қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарига "Ўздавуруғназоратмарказ" томонидан берилган экиш сифат кўрсаткичларини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати нусхаси ва иловаларда келтирилган 193, 197-сонли шакллар асосида тузилган уруғлик майдонида ўтказилган апробация далолатномасини топшириши белгиланган. Бироқ даъво аризасига илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, жавобгар фақат 197-сонли шакл бўйича тузилган уруғлик майдонида ўтказилган апробация далолатномасини тақдим қилган. Шунингдек, Йўриқноманинг 5-бандида дон қабул қилиш корхоналарига топширилган 193 ва 197-шакллар бўйича уруғлик доннинг авлоди, нави ва нав софлиги стандарт талабига жавоб берувчи бирламчи ҳужжатлар "Ўздавуруғназоратмарказ"нинг ҳудудий бўлимлари томонидан тасдиқланган бўлиши шартлиги белгиланган бўлса-да, даъвогар томонидан тақдим қилинган апробация далолатномаси улар томонидан тас-

диқланмаган.

Бундан ташқари Йўриқноманинг 15-бандига кўра, навли уруғлик дон сифати аниқланганидан кейин дон маҳсулот корхонаси топширувчи юкхатининг биринчи нусхаси орқа томонига белгиланган шаклдаги штамп қўяди, журналга санани, таҳлиллар қайдлов ёзуви тартиб рақамини, уруғлик донни жойлаштириш жойи, таҳлил натижалари ва бошқа кўрсаткичларни кўрсатади. Бундан ташқари топширувчи юкхатига йирик шрифт билан "Навли (дурагай) уруғлик дон" деган штамп қўйилади.

Аммо даъвогарнинг юк жўнатиш автоулов ҳисоб ҳужжатларига бундай штамп қўйилмаган.

Бундан кўринадики, судлар низо юзасидан қарор қабул қилишда моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган ва бу эса, ноқонуний қарор қабул қилинишига олиб келган.

Шунинг учун судлов ҳайъати жавобгарнинг назорат шикоятини қаноатлантиришни, иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш, суд харажатларини эса, даъвогар зиммасига юклаш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

4-1801-1902/3826-сонли иш

## **2. Қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган кимошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туман бўлимининг (бундан буён матнда МИБ туман бўлими деб юритилади) ижро иши юритувида "Н" масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда қарздор ёки МЧЖ деб юритилади) ундирувчилар фойдасига жами 1 351 745 569 сўм ундириш тўғрисида иқтисодий суднинг 3 та ижро варақаси мавжуд бўлган ва улар асосида МИБ туман бўлими томонидан 3 та ижро ишини юритиш қўзғатилган. Ушбу ижро иши юритиш ишлари битта ишга бирлаштирилган ва ижро ҳаракатлари билан давлат ижрочиси шуғулланган.

Ижро ишини юритиш жараёнида дав-

лат ижрочиси томонидан МЧЖга тегишли жами 15 турдаги бино-иншоотларни хатлаш тўғрисида далолатнома тузилган ва ушбу кўчмас мол-мулкни электрон онлайн-аукционда сотиш тўғрисида қарор чиқарилган. Давлат ижрочисининг ушбу қарори асосида "Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази" давлат унитар корхонаси (бундан буён матнда ДУК ёки савдо ташкилотчиси деб юритилади) томонидан мол-мулклар электрон онлайн-аукционга сотиш учун чиқарилган.

МЧЖ таъсисчиси фуқаро С. (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) жавобгарлар МЧЖ, МИБ туман бўлими ва ДУКга нисбатан туманлараро иқтисодий



судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ДУКнинг электрон онлайн аукционда сотиш натижалари тўғрисидаги баённомасини ҳақиқий эмас, деб топиш ва ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашни сўраган.

Суднинг ажрими билан "Б" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда харидор деб юритилади) ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Ишни кўриш жараёнида даъвогар судга даъво предметини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, ДУКнинг электрон онлайн аукционда сотиш натижалари тўғрисидаги баённомасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талабни ДУКнинг электрон онлайн аукцион савдосини ҳақиқий эмас, деб топиш талабига ўзгартиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан даъвогарнинг даъво предметини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси иш юритувга қабул қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилиб, ДУКнинг электрон онлайн-аукцион савдоси ҳақиқий эмас, деб топилган ва битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланилган ҳолда электрон онлайн-аукционда сотиш натижалари тўғрисидаги баённома ҳақиқий эмас, деб топилган. Жавобгарлар ДУК ва МЧЖ жавобгарликдан озод қилинган. Даъвонинг жавобгар МИБ туман бўлимига нисбатан қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Фуқаролик кодексининг 381-моддаси биринчи қисмига биноан, қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган кимшди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Манфаатдор шахс деганда, кимшди савдосида (аукцион, танлов, электрон он-

лайн-аукцион) иштирок этишга буюртма берган ҳамда унда иштирок этишга қўйилган жисмоний ёки юридик шахс, кимшди савдосига сотиш учун қўйилган мол-мулкни эгаси ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда даъвогар манфаатдор шахс ҳисобланмайди. Чунки кимшди савдосига қўйилган мол-мулк МЧЖга тегишли бўлиб, жамият иштирокчиси жамиятнинг ушбу мол-мулкига эмас, балки фақат жамиятнинг устав фондидаги улушга эга. Шунинг учун у кимшди савдосини ҳақиқий эмас, деб топиш талаби билан судга мурожаат қила олмайди.

Кимшди савдоси устидан низолашиш корпоратив низолар жумласига ҳам кирмайди. Чунки кимшди савдоси ўтказилиши билан боғлиқ низо хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низолар ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам даъвогар ДУКнинг электрон онлайн аукционда сотиш натижалари тўғрисидаги баённомани ҳақиқий эмас, деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллашни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция суди низо юзасидан қарор қабул қилишда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламаган, даъвогарда кимшди савдоси устидан низолашиш ҳуқуқи мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқламаган ҳамда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, даъвони қаноатлантириш ҳақида ноқонуний хулосага келган, апелляция инстанцияси суди эса, биринчи инстанция судининг хатосини тузатмасдан, асоссиз равишда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Шунинг учун судлов ҳайъати харидорнинг назорат шикоятини қаноатлантиришни, иш юзасидан қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

4-1101-1903/1569-сонли иш

**3. Агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгилашидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.**

АТ "Туронбанк" (бундан буён матнда Банк деб юритилади) филиали (бундан буён матнда Банк филиали деб юритилади) ва "КА" МЧЖ (бундан буён матнда қарз олувчи деб юритилади) ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан, Банк филиали жавобгарга 2 996 000 000 сўм миқдоридан 2017 йил 5 июндан 2022 йилгача йиллик 7 фоиз устама тўлаш шarti билан кредит маблағлари ажратиш мажбуриятини олган.

Кредит шартномаси бўйича қарз олувчининг мажбуриятини бажарилишини таъминлаш сифатида Банк филиали, қарз олувчи ва "АБ" МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар ёки ипотекага қўювчи деб юритилади) ўртасида тузилган ипотека шартномасига кўра, ипотека қўювчи томонидан "Н" МЧЖ филиалининг бинolari гаровга тақдим қилинган.

Гаров нарсаси томонлар ўртасида тузилган келишув далолатномасига асосан 1 202 600 000 сўмга баҳоланган.

Даъвогар иқтисодий судга Банк ва қарз олувчига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ипотека шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган. Бунга асос қилиб даъво аризасида "Н" МЧЖнинг 100 фоиз улушига эга бўлган асосий таъсисчиси даъвогар ҳисобланиб, унинг Устав фондидаги давлат улуши 93,7307 фоизини ташкил қилиши, гаровга тақдим этилган гаров нарсасининг қийматини аниқлашда жамият кузатув кенгашининг йиғилишида мазкур масала кўриб чиқилмаганлиги ва розилик олинмаганлиги ҳамда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида кўрилмаганлиги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 83-моддасида жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бо-

шқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан, қарз, кредит, гаров, каффиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланси қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланиши, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно деб белгиланганлиги, Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 14.4-бандида бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши деганда, ушбу шахслар ўртасидаги келишув натижасида улардан бири учун ноқулай шартларда битим тузиш тўғрисидаги келишув тушунилиши, бунда шундай келишув иштирокчиси битимнинг тузилишидан қандайдир наф олганлиги ёки битим вакил қилинган шахсга зарар етказиш мақсадида тузилганлиги аҳамиятга эга эмаслиги, 12-бандида ФК 116-моддасига кўра, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим бўлиб, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмунда, ҳуқуқ-тартибот асосларига қарши мақсадда; ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ҳисобланиши белгиланганлигини кўрсатган.

Ишни кўриш жараёнида даъвогар даъво

аризасига қўшимча тақдим қилиб, унда гаровга қўйилган мол-мулкнинг қиймати тарафлар томонидан тузилган далолатномада 1 202 600 000 сўм этиб белгиланганлиги, аммо "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 38 ва 44-моддаларига зид равишда ушбу далолатномани имзолаш ва ипотека шартномасини тузилишини кузатув кенгаши розилигисиз амалга оширилганлиги, "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддаси биринчи қисмида, баҳолашни ўтказишни давлатга тўла ёки умумий мулк ҳуқуқида қисман қарашли баҳолаш объектлари битим тузишга жалб этилган тақдирда, шу жумладан, баҳолаш объектларидан гаров нарчаси сифатида фойдаланаётганда баҳолаш ўтказиш мажбурийдир деб белгиланганлиги, даъвогарнинг устав капиталидаги давлат улуши 87,44 фоизни ташкил этса-да, гаровга қўйилаётган мулкнинг қиймати баҳолаш ташкилоти томонидан баҳолатилмасдан банк билан тузилган келишув далолатномаси асосида белгиланишига йўл қўйилганлигини кўрсатган.

Суднинг 2019 йил 25 октябрдаги ажрими билан "Н" МЧЖ ишга қўшимча жавобгар сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида тузилган ипотека шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Банк иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларидан норози бўлиб, назорат шикояти билан мурожаат қилган ва унда суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраган. Бунга асос қилиб, шикоятда судлар даъвогар Уставининг 9.1-бандида жамият устав фонди 9 474 742 131 сўмни ташкил қилиши, шундан "С" акциядорлик жамиятининг улуши 8 880 744 892 сўм, яъни 93,7307 фоизини ташкил этилиши сабабли 2017 йил 12 июнь ҳолатига кўра, даъвогарнинг устав фондидаги давлат улуши 93,7307 фоизни ташкил этган деб, хато хулосага келганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ-2635-сон-

ли қарори 5-банди иккинчи хатбошисида хўжалик бошқаруви органларига акциядорлик жамиятлари устав фондидаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган акциялар давлат улуши ҳисобланмаслиги кўрсатилганлиги;

"С" акциядорлик жамиятида давлат улуши бўлиши мумкинлиги, лекин судлар буни аниқланмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сонли қарори 5-банди олтинчи хатбошисида келгусида хўжалик жамиятлари устав капиталида (фондида) шаклландиган, акциядорнинг (таъсисчининг) ҳуқуқлари давлат органлари ва муассасалари томонидан амалга ошириладиган давлат улуши Агентликка берилиши ўрнатилганлиги, шу сабабли бирон-бир жамиятда давлат улуши бор-йўқлигини аниқлаш учун Давлат активларини бошқариш агентлигидаги рўйхатдан кўчирма олиш кераклиги, даъвогар эса, Агентликда давлат улушига эга корхона сифатида рўйхатда турмаслиги;

судлар ўз қарорларида "Д" МЧЖнинг хатига кўра, жамиятнинг туман филиалига тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг бозор қиймати 2017 йил 29 май ҳолатида 4 103 949 053 сўмга баҳоланган бўлса-да, бироқ келишув далолатномаси тузишда ушбу баҳолаш қиймати инobatга олинмаганлиги, жамиятнинг 2017 йил 12 июнь ҳолатида устав фонди миқдори 9 474 742 131 сўмни ташкил этганлиги, демак, жамият томонидан гаровга қўйилган мулк миқдори 4 103 949 053 сўмга баҳоланганлиги сабабли у томонидан тузилган ипотека шартномаси йирик битим ҳисобланади" деб кўрсатилганлиги;

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 44-моддасида йирик битимларнинг таърифи берилган бўлиб, унда агар жамиятнинг уставиди йирик битимларнинг анча катта миқдори назарда тутилган бўлмаса, бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жа-

мият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади, жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмаслиги, ушбу модданинг мақсадлари учун йирик битим натижасида жамиятнинг тасарруфидан чиқариладиган мол-мулкнинг қиймати унинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида, жамият оладиган мол-мулкнинг қиймати эса, таклиф қилинган баҳо асосида аниқланиши белгиланганлиги;

судлар гаровга қўйилган мулкнинг бухгалтерия маълумотлари асосида аниқланадиган қийматидан келиб чиқиб эмас, балки жамиятнинг устав фондидан келиб чиқиб йирик битимнинг баҳосини аниқлаб ҳатолликка йўл қўйганлиги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасида белгиланган қоидаларга асосан даъвогарнинг Уставида мол-мулкни олиш ва бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш жамият кузатув кенгаши ва коллатига киритилганлиги, даъвогар кузатув кенгашининг мажлисида қабул қилган қарорнинг 2-бандида "Н" ва "Б" филиаллари бино-иншоотларини белгиланган тартибда гаровга қўйган ҳолда банкдан кредит олинишига хайрихоҳлик билдирилганлигини кўрсатган.

Фуқаролик кодексининг 113-моддаси биринчи қисмига биноан, битим ушбу кодексда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низол битим) ёки бундай деб топилшидан қатъий назар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим).

Даъвогар тарафлар ўртасида тузилган ипотека шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш учун гаровга тақдим этилган гаров нарсасининг қийматини аниқлашда жамият кузатув кенгашининг йиғилишида мазкур масала кўриб чиқилмаганлиги ва розилик олинмаганлиги ҳамда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида кўрилмаганлиги, қонунда жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимо-

ли билан боғлиқ битим (шу жумладан, қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортигини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланиши, Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги қарори 14.4-бандида бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши деганда, ушбу шахслар ўртасидаги келишув натижасида улардан бири учун ноқулай шартларда битим тузиш тўғрисидаги келишув тушунилиши, бунда шундай келишув иштирокчиси битимнинг тузилишидан қандайдир наф олганлиги ёки битим вакил қилинган шахсга зарар етказиш мақсадида тузилганлиги аҳамиятга эга эмаслиги, 12-бандида Фуқаролик кодексининг 116-моддасига кўра, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим бўлиб, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмунда; ҳуқуқ-тартибот асосларига қарши мақсадда; ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ҳисобланиши белгиланганлиги, гаровга қўйилган мол-мулкнинг қиймати тарафлар томонидан тузилган далолатномада 1 202 600 000 сўм этиб белгиланганлиги, аммо "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 38 ва 44-моддаларига зид равишда ушбу далолатномани имзолаш ва ипотека шартномасини тузилишини кузатув кенгаши розилигисиз амалга оширилганлиги, "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддаси биринчи қисмида, баҳолашни ўтказишни давлатга тўла ёки умумий мулк ҳуқуқида қисман қарашли баҳолаш объектлари битим тузишга жалб этилган тақдирда, шу жумладан: баҳолаш объектларидан гаров нарсаси сифатида фойдаланаётганда баҳолаш ўтказиш мажбурийдир деб белгиланганлиги, даъвогарнинг устав капиталидаги давлат улуши 87,44 фоизни ташкил этсада, гаровга қўйилаётган мулкнинг қиймати баҳолаш ташкилоти томонидан баҳолатилмасдан банк билан тузилган келишув далолатномаси асосида белгиланишига йўл қўйилганлигини асос қилиб кўрсатган.

Судлар ҳам ипотека шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш учун ушбу важларни келтирган.

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасида белгиланган қоидаларга асосан даъвогар Уставининг 6.1-бандида мол-мулкни олиш ва бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш жамият кузатув кенгаши ваколатига киририлган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогарнинг активи 47 миллиард сўмни ташкил қилади ва шунинг учун ипотека шартномаси йирик битим ҳисобланмайди.

Шундай бўлса ҳам, даъвогар кузатув кенгашининг мажлиси бўлиб ўтган ва унда қабул қилган қарорнинг 2-бандида "Н" ва "Б" филиаллари бино-иншоотларини белгиланган тартибда гаровга қўйган ҳолда АТ "Туронбанк" ҳудудий филиалидан 2 996,0 миллион сўм миқдордаги кредит олинишига хайрихоҳлик билдирилган.

Шунингдек, иш ҳужжатларида мавжуд бўлган "Д" МЧЖнинг хатига кўра, жамиятнинг туман филиалига тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг бозор қиймати 4 103 949 053 сўмга баҳоланган.

Фуқаролик кодексининг 354-моддаси бешинчи хатбошисига биноан, шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

"Ипотека тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддаси бешинчи қисмига кўра, ипотека нарсасини баҳолаш ипотекага қўювчи билан ипотекага олувчи ўртасидаги келишувга кўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ипотека нарсасини баҳолашдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Мазкур ҳолатда гаров нарсасининг бозор қиймати баҳоловчи ташкилоти томонидан 4 103 949 053 сўмга баҳоланган бўлса-да, тарафлар келишувига кўра, мол-мулк 1 202 600 000 сўм қийматида гаровга олинган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 126-моддасига кўра, агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳуж-

жатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёнқи битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Олий ҳужалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 17-банди иккинчи хатбошисига Фуқаролик кодексининг 126-моддасида кўрсатилган асос билан битим кимнинг манфаатида чеклаш белгиланган бўлса, фақат ўша шахснинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги, шу боис, Фуқаролик кодексининг 126-моддасига асосан битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво билан бошқа шахс мурожаат қилган бўлса, бундай даъвони қаноатлантириш рад этилиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда ипотека шартномаси тузиш ва уни нотариал тартибда расмийлаштиришда ипотека қўювчи томонидан жамият (даъвогар) кузатув кенгашининг бўлиб ўтган мажлиси баённомасини тақдим этган бўлиб, унда "Н" ва "Б" филиаллари бино-иншоотларини белгиланган тартибда гаровга қўйган ҳолда АТ "Туронбанк"нинг ҳудудий филиалидан 2 996,0 миллион сўм миқдордаги кредит олинишига хайрихоҳлик билдирган ва кредит расмийлаштирилиши билан боғлиқ ишларни белгиланган тартибда олиб боришини назорат қилиш жамият директори зиммасига юклатилган. Ушбу баённома асосида жамият директори гаровга қўйилган мол-мулкни баҳолаш тўғрисида далолатнома ва ипотека шартномасини имзолаган.

Қолаверса, Фуқаролик кодексининг 9-моддаси учинчи қисмига кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқ-

ланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади.

Бундан кўринадик, даъвогарнинг талаби асоссиз бўлиб, уни қаноатлантиришга асос бўлмаса-да, биринчи инстанция суди моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаб, даъвони қаноатлантириш ҳақида ноқонуний тўхтамга келган, апелляция инстанцияси

суди эса асоссиз ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Шунинг учун судлов ҳайъати банкнинг назорат шикоятини қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

4-1401-1904/1954-сонли иш

\* \* \*

АТ "Халқбанки" ҳудудий филиали амалиёт бўлими (бундан буён матнда банк филиали деб юритилади) ва "Н" деҳқон хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар ёки деҳқон хўжалиги деб юритилади) ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан банк филиали жавобгарга 264200 АҚШ доллари миқдорида 84 ой муддатга йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан кредит маблағлари ажратиш мажбуриятини олган.

Кредит шартномаси бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун "Х" хусусий корхонасига (бундан буён матнда хусусий корхона деб юритилади) тегишли 10 дона музлатгич ускуналари, мол сўйиш ускунаси, шунингдек, "Т" МЧЖга (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) тегишли 0001-0002 литерли бино-иншоотлари гаровга қўйилган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) АТ "Халқбанки" (бундан буён матнда банк ёки даъвогар деб юритилади) манфаатида туманлараро иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, банк филиали ва жавобгар ўртасида тузилган кредит шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Бунга асос қилиб даъво аризасида жавобгарнинг туман "Ягона дарча" марказида рўйхатдан ўтказилган Низомида хўжалик раҳбари А. кўрсатилганлиги, аммо "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг (бундан буён матнда қонун деб юритилади) 3, 4-моддалари талаблари бузилган ҳолда кредит шартномаси деҳқон хўжалиги бошлиғи ёки аъзоси бўлмаган бошқа шахс томонидан имзоланганлиги кўрсатилган.

Ишни кўриш жараёнида банкнинг вакили судга даъво аризасига қўшимча асослар киритиш ҳақидаги ариза такдим қилиб, унда "Х" хусусий корхонасига тегишли бўлган 0001, 0002, 0003, 0004 ва 005-тархли бино-иншоотлар гаров шартномаси асосида АТ "Ипотекабанк" филиалига гаровга қўйилганлиги, яъни АТ "Халқбанки" билан кредит шартномаси тузишда тақиқда бўлган кўчмас мулк гаровга қўйилганлиги, гаровга қўйилган музлатгич ускуналари 10 комплект эмас, балки 5 комплект эканлиги аниқланганини қайд этиб, Фуқаролик кодексининг 126-моддасига асосан, кредит шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган. Шунингдек, хусусий ажрим чиқарилиб, жавобгар раҳбари фуқаро А. ва раҳбар сифатида фаолият юритган фуқаро М. хатти-ҳаракатидаги Жиноят кодексининг 192<sup>11</sup>-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари ҳақида вилоят прокурорига хабар қилинган.

Фуқаролик кодексининг 113-моддаси биринчи қисмига биноан, битим ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас, деб топганлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишдан қатъий назар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим).

Даъвогар банк филиали ва жавобгар ўртасида тузилган кредит шартномасини

ҳақиқий эмас, деб топиш учун даъво ари-засида жавобгарнинг туман "Ягона дарча" марказида рўйхатдан ўтказилган Низоми-да хўжалик раҳбари фуқаро А. кўрсатил-ганлиги, аммо кредит шартномаси қонун-нинг 3, 4-моддалари талаблари бузилган ҳолда деҳқон хўжалиги бошлиғи ёки аъзо-си бўлмаган бошқа шахс, яъни ваколат-сиз шахс фуқаро М. томонидан имзолан-ганлиги кўрсатилган.

Фуқаролик кодексининг 126-моддасига кўра, агар шахснинг битим тузиш ваколат-лари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёнги битим тузи-лаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатлари-га нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва би-тимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чи-қиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги ис-ботланган ҳоллардагина битим чеклаш бел-гиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодий судлар то-монидан битимларни ҳақиқий эмас деб то-пиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжат-лари нормаларини қўллашнинг айрим ма-салалари тўғрисида"ги қарори 17-банди иккинчи хатбошисида Фуқаролик кодекси-нинг 126-моддасида кўрсатилган асос би-лан битим кимнинг манфаатида чеклаш белгиланган бўлса, фақат ўша шахснинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас, деб топи-лиши мумкинлиги, шу боис Фуқаролик ко-дексининг 126-моддасига асосан битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво билан бошқа шахс мурожаат қилган бўлса, бундай даъвони қаноатлантириш рад эти-лиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда кредит шартномаси ва-колатсиз шахс фуқаро М. томонидан им-золанганлиги ҳақидаги асос билан ушбу шартнома деҳқон хўжалигининг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас, деб топилиши мум-кин.

Шунинг учун даъвогарнинг талаби асос-сиз бўлганлиги сабабли биринчи инстан-

ция суди даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қонуний тўхтамга келган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди мод-дий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаб, ҳал қилув қарорини асоссиз бекор қилган ва даъвони қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Банкнинг вакили томонидан имзолан-ган даъво аризасига қўшимча асослар киритиш ҳақидаги аризада келтирилган важларни судлов ҳайъати қабул қилмай-ди. Чунки **биринчидан**, ушбу даъво ари-засига қўшимча асослар киритиш ҳақида-ги ариза биринчи инстанция суди то-монидан иш юритишга қабул қилинма-ган. **Иккинчидан**, Иқтисодий процессу-ал кодексининг 63-моддаси биринчи қисмига асосан судда иш юритиш вако-латлари вакилга уни вакил қилган шахс номидан барча процессуал ҳаракатлар-ни амалга ошириш ҳуқуқини беради, бундан даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлик судига топшириш, даъво талаб-ларидан қисман ёки бутунлай воз ке-чиш ва даъвони тан олиш, даъво пред-метини ёки асосини ўзгартириш, кели-шув битими, медиация тартиб-таомили-ни амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёки медиатив келишувни тузиш, вако-латларни бошқа шахсга топшириш (ишо-ниб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйи-ча қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ари-зани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбу-рий ижро этилишини талаб қилиш, ун-дирилган мол-мулкни ёки пулни олиш мустасно.

Мазкур ҳолатда даъво аризасига қўшим-ча асослар киритиш ҳақидаги ариза ишонч-нома асосида банк номидан вакиллик қил-ган шахс томонидан имзоланган. Аммо ушбу ишончнома билан вакилга даъво пред-мети ёки асосини ўзгартириш ваколоти берилмаган.

Қолаверса, даъво аризасига қўшимча асослар киритиш ҳақидаги аризада келти-рилган важлар кредит шартномасини эмас, балки гаров шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўриш натижаси бўйича хусусий ажрим чиқариб, жавобгар раҳбари фуқаро А. ва

раҳбар сифатида фаолият юритган фуқаро М. хатти-ҳаракатида Жиноят кодексининг 192<sup>11</sup>-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари ҳақида вилоят прокурорига хабар қилган.

Жиноят кодексининг 192<sup>11</sup>-моддаси иккинчи қисмига кўра, ўша ҳаракат, яъни мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, яъни нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса,

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жавобгар (деҳқон хўжалиги) раҳбари фуқаро А. йиғилиш баёни ҳамда буйруғи билан фуқаро М. хўжалик раҳбари этиб тайинланганлиги ва фуқаро М. томонидан низолашаётган кредит шартномаси имзоланганлиги Жиноят кодексининг 192<sup>11</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил қилмайди.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилишда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқлаб ва моддий ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қонуний хулосага келган, апелляция инстанцияси суди эса, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган ҳолда асоссиз равишда ҳал қилув қарорини бекор қилган ва хусусий ажрим чиқарган.

Шунинг учун судлов ҳайъати деҳқон хўжалигининг назорат шикоятини қаноатлантириш, апелляция инстанцияси судининг қарори ва хусусий ажримини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1701-1903/4110-сонли иш

**4. 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган умумий фойдаланиладиган йўлларни эксплуатация қилиш ва сақлаш, шунингдек, йўл бўйлари участкаларини кўкаламзорлаштириш борасидаги ишлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди**

Туман давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда даъвогар ёки ДСИ деб юритилади) томонидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилган туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) молиявий ва солиқ ҳисоботларини Солиқ кодексининг 70-моддаси асосида камерал таҳлил қилиниши натижасида жавобгарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ва архитектура ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 7-бандига асосан,

қўшилган қиймат солиғи (бундан буён матнда ҚҚС деб юритилади) бўйича нотўғри имтиёз қўлланилганлиги ҳақида хулосага келинган ва унга 150 400 000 сўм қўшимча равишда солиқ (ҚҚС) ҳисобланиб, ушбу солиқ суммасини бюджетга ундирилиши лозим топилган.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси жавобгарга камерал назорат натижасида аниқланган зиддиятлар ва камчиликларни бартараф этиш тўғрисида талабнома берган.

Жавобгар томонидан талабномага жавоб йўлланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш



ва архитектура ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 7-бандида белгиланган имтиёз унга ҳам тегишли эканлиги, видеоселектор йиғилишида ушбу масала муҳокама этилганлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ўзаро келишиш ҳақида сўз юритилганлиги билдирилган ва ушбу масала ҳал бўлгунига қадар чора қўлламай туриш сўралган.

Даъвогар судга мурожаат қилиб, жавобгардан 2018 йил учун қўшимча ҳисобланган 150 000 000 сўм солиқ суммасини бюджетга ундиришни сўраган.

Ишни судда кўриш жараёнида ДСИ қўшимча ариза тақдим этиб, даъво аризасида даъво суммаси техник хатолик туфайли нотўғри ёзилганлигини билдирган ва жавобгардан 150 400 000 сўм ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ДСИНинг даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган ва туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, жавобгарнинг апелляция шикоят қаноатлантирмасдан қолдирилган.

2020 йил 1 январга қадар амалда бўлган Солиқ кодексининг (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) 3-моддаси биринчи қисмига кўра, солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади (амалдаги Солиқ кодексининг 4-моддаси биринчи қисми).

Жавобгарнинг ҚҚС тўлаш мажбурияти 2018 йилда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 30-моддаси биринчи ва учинчи қисмларига биноан ушбу кодексда, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида, алоҳида ҳолларда эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан, солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича

имтиёзлар деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, давлат солиқ хизмати органи (ДСБ ва ДСИ) ва жавобгар ўртасидаги низо Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш ва архитектура ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 7-банди тўртинчи хатбошисида белгиланган ҚҚС бўйича имтиёздан фойдаланиш юзасидан келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш ва архитектура ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 7-бандига кўра, 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган умумий фойдаланиладиган йўлларни эксплуатация қилиш ва сақлаш, шунингдек, йўл бўйлари участкаларини кўкаламзорлаштириш борасидаги ишлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

Яъни мазкур ҳолатда жавобгар томонидан кўрсатилаётган уч турдаги (умумий фойдаланиладиган йўлларни эксплуатация қилиш, сақлаш, шунингдек, йўл бўйлари участкаларини кўкаламзорлаштириш борасидаги) ишлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

Автомобиль йўллари Давлат қўмитасининг ҳудудий йўллардан фойдаланиш корхоналари ва жойлардаги давлат солиқ хизмати органлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш ва архитектура ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 7-банди тўртинчи хатбошисида белгиланган ҚҚС бўйича имтиёздан фойдаланиш юзасидан низолар келиб чиққанлиги са-

бабли Вазирлар Маҳкамасининг топширигига асосан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ушбу масала ўрганиб чиқилиб, тегишли хулоса тақдим қилинган.

Хусусан, Молия вазирлигининг хатида 2020 йилнинг 1 январига қадар умумий фойдаланиладиган йўлларни эксплуатация қилиш ва сақлаш ҳамда йўл бўйлари участкаларини кўкаламзорлаштириш борасидаги ишлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмаслиги қайд этилган.

Давлат солиқ қўмитасининг Вазирлар Маҳкамасига йўллаган хатида Молия вазирлигининг хатида баён қилинган хулосаси, яъни 2020 йилнинг 1 январига қадар умумий фойдаланиладиган йўлларни эксплуатация қилиш ва сақлаш ҳамда йўл бўйлари участкаларини кўкаламзорлаштириш борасидаги ишлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмаслиги ҳақидаги фикрига (позициясига) қўшилиши маълум қилинган.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг юқоридаги хатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосарининг кўрсатмасида Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитасига умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ва сақлаш ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича бажариладиган ишлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғи объектига киритилмаслиги тўғрисида Молия вазирлигининг хати ва Давлат солиқ қўмитасининг хатида берган хулосалари раҳбарлик ва ижро этиш учун қабул қилиниши белгиланган.

Шунингдек, ушбу масала бўйича Олий суднинг Вазирлар Маҳкамасига йўлланган

мурожаатига Вазирлар Маҳкамасининг худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг жавоб хатида 2017 йил 1 октябридан 2020 йил 1 январга қадар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхоналар томонидан бажариладиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эксплуатация қилиш, сақлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи тўланмаслиги маълум қилинган.

Демак, ДСБнинг жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш ва архитектура ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида назарда тутилган солиқ имтиёзларидан асоссиз равишда фойдаланиб келинганлиги ҳақидаги важи асоссиздир.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция суди низони ҳал этишда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламаган ва моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган. Бу эса, ноқонуний қарор қабул қилинишига сабаб бўлган. Апелляция инстанцияси суди эса, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатони тузатмасдан, асоссиз равишда ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдирган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати назорат шикоятини қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

4-1405-1902/920-сонли иш

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чораги давомида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида келиб тушган 1 202 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 174 таси қайтарилган, 56 тасини қабул қилиш рад этилган, 396 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 171 таси бўйича тушунтиришлар берилган, 38 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 181 таси бўйича Олий суд раисининг ўринбосари томонидан рад жавоби берилган.

Шунингдек, 181 та иш бўйича назорат тартибидаги шикоятлар ва протестлар судлов ҳайъатида кўриб чиқилган. Мазкур ишларнинг 140 тасини оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар, 41 тасини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ташкил этган.

2020 йилнинг биринчи чорагида судлов ҳайъати томонидан кўрилган ишлар бўйича қабул қилинган 28 та суд қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судига ишлар янгидан кўриш учун юборилган бўлса, 7 таси бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, 5 та иш янгидан

кассация инстанцияси судига, 2 та иш апелляция инстанцияси судига кўриш учун юборилган, 38 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, 11 таси бўйича кассация (апелляция) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган. 14 та иш бўйича эса, суд қарорлари ўзгартирилган, 4 та иш бўйича иш юритиш тугатилган, 1 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилган, 71 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган 181 та ишнинг 25 тасини Тошкент шаҳар, 21 тасини Хоразм вилояти, 19 тадан Тошкент ва Фарғона вилоятлари, 18 тасини Самарқанд вилояти, 14 тасини Сурхондарё вилояти, 13 тасини Андижон вилояти, 12 тасини Наманган вилояти, 9 тасини Навоий вилояти, 6 тадан Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари, 8 тадан Бухоро ва Жиззах вилоятлари ва 3 тасини Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судларининг суд ҳужжатлари устидан берилган назорат шикоятлари ва протестларига асосан кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган Тошкент вилояти маъмурий судларининг 84,2 фоиз, Қашқадарё вилояти маъмурий судларининг 83,3 фоиз, Фарғона вилояти маъмурий судларининг 68,4 фоиз ва Наманган вилояти маъмурий судларининг 66,6 фоиз суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Мазкур даврда судлов ҳайъати томонидан: "Маъмурий судлар томонидан 2018-2019 йилларда мулк ҳуқуқи билан боғлиқ кўрилган маъмурий ишлар (оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар) бўйича суд амалиёти";

"Маъмурий судлар томонидан 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг XXIV бобида (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш) назарда тутилган моддаларда белгиланган нормаларни амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ суд амалиёти"; "Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилда назорат тартибида келиб тушган шикоятларни ўрганиш ва судлов ҳайъатига ўтказиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида чиқарилган ажримлар самарадорлиги масаласи" умумлаштирилиб, уларнинг натижалари юзасидан Олий суд Раёсатининг

тегишли қарорлари қабул қилинган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

## I. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

**1. Суд ҳуқуқбузарни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш учун ҳуқуқбузарнинг айбини тасдиқловчи ҳолатларни тўлиқ аниқлаши лозим. Акс ҳолда, бундай суд қарори юқори инстанция судининг қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.**

Фуқаро А.Р. 2019 йил 13 июлда соат 12:15ларда ўзининг бошқарувида бўлган "Т-28" русумли, давлат рақами 70 АА 111 бўлган тракторни бошқариш ҳуқуқи бўлмаса-да, қишлоқдоши С.С. бошқарувидаги "Т-28" русумли, давлат рақами 70 АА 222 бўлган трактор йўл четида бузилиб қолганлиги сабабли, тиркамага олиб, "Косон-Қарлик-Муборак" йўналишида орқага қайрилиб олаётганида уларни орқасидан ҳаракатланиб келаётган фуқаро А.Б.нинг бошқарувидаги "Кобалт" русумли, давлат рақами 01 М 333 АА бўлган автомашина С.С.нинг бошқарувидаги "Т-28" русумли, давлат рақами 70 АА 222 бўлган тракторнинг чап ён томонига келиб тўқнашган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар А.Р.га МЖТКнинг 133-моддаси ва 135-моддасининг иккинчи қисми билан айбли деб топилиб, МЖТКнинг 34-моддаси тартибида унга узил-кесил энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида 1 013 650 сўм жарима тайинланган. Ҳуқуқбузар А.Р.дан жабрланувчи А.Б. фойдасига 35 313 000 сўм етказилган зарар ундириш белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини ўзгартириб, А.Р.ни МЖТК 133-моддаси билан айбдор деб

топиш, унга ушбу кодекснинг 34-моддаси тартибида жазо кўллаш ҳамда А.Р.дан А.Б. фойдасига 35 313 000 сўм етказилган зарарни ундириш қисмини бекор қилиб, А.Р.ни МЖТК 133-моддаси билан айблагга оид қисмини янгидан кўриш учун биринчи инстанцияси судига юборган. Суд қарорининг А.Р.га оид қолган қисмини эса, ўзгаришсиз қолдирган.

Судлов ҳайъати бунда биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан ҳуқуқбузар А.Р.ни МЖТКнинг 133-моддаси билан айбдор деб топиш учун унинг айбини тасдиқловчи далиллар тўлиқ текширилмаган деб ҳисоблаган. Жумладан, судлов ҳайъати қуйи судлар томонидан ҳайдовчиларнинг тўқнашувдаги айби масаласини муҳокама қилишда тракторнинг тезлиги, қайрилиш манёври қанча вақтда амалга оширилиши мумкинлиги, тракторлар манёвр қилаётганлигини жабрланувчи А.Б. қанча масофадан кўриши мумкинлиги, у томонидан тўқнашувнинг олдини олиш учун қандай ҳаракатлар амалга оширилиши лозимлиги ҳолатларига аниқлик киритилмаган деб ҳисоблаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини ўзгартирган ва А.Р.ни МЖТК 133-моддаси билан айблагга оид қисмини янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

3-1811-1901/732-сонли иш

**2. Қонун ҳужжатларига мувофиқ маиший истеъмолчилардаги электр энергиясини ҳисобга олиш электрон асбобларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат қиёсловидан ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) ҳисобга олиш асбоблари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шу сабабли электр энергиясидан фойдаланувчи электр энергиясидан унинг айби бўлмаган ҳолда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобсиз фойдаланганда, у МЖТКнинг 101-моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарликка тортилмайди**

Фуқаро Л.М. ва туман электр тармоқлари корхонаси ўртасида 2016 йил 22

февралда шартнома тузилиб, Л.М.нинг хонадонига 11222-рақамли электр

энергиясини ҳисоблаш асбоби ўрнатилган.

2019 йил 2 майга қадар ушбу электр энергиясини ҳисоблаш асбобидаги кўрсаткичлар бўйича электр энергияси учун тўловлар амалга ошириб келинган ҳамда шу куни туман мажбурий ижро бюроси ходими ва туман электр тармоқлари ходими томонидан қиёслаш кўригидан ўтказиш мақсадида электр энергиясини ҳисоблаш асбоби ечиб олинган. Шунингдек, электр энергиясини ҳисоблаш асбоби ечиб олинганлиги сабабли мажбурий ижро бюроси ходимининг топшириғига асосан электр тармоғи корхонаси ходими Л.М.нинг хонадонига электр тармоғини тўғридан-тўғри улаб қўйган. Бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилган.

Электр тармоғи корхонаси ходимлари томонидан Л.М.га қиёслаш кўригидан ўтказиш учун олиб борилган электр энергиясини ҳисоблаш асбоби яроқсиз бўлиб қолганлиги аниқланганлиги сабабли хонадонига янги электр энергиясини ҳисоблаш асбобини ўрнатиши лозимлиги, акс ҳолда, жавобгарликка тортилиши ҳақида маълум қилинган.

Л.М. электр тармоғи корхонасига янги электр энергиясини ҳисоблаш асбоби олиш учун маблағи йўқлигини, электр энергиясини ҳисоблаш асбоби туман электр таъминоти корхонаси томонидан бепул ўрнатилиши лозимлигини маълум қилиб, янги электр энергиясини ҳисоблаш асбобини ўрнатмаган.

2019 йил 3 июнь куни туман мажбурий ижро бюроси катта инспектори ҳамда гувоҳлар — Д.Д. ва М.И. томонидан Л.М.ни электр тармоғига тўғридан-тўғри уланиб олиб, электр энергиясини ҳисоблаш асбобсиз ноқонуний фойдаланиб келаётганлиги ҳақида баённома тузилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар Л.М. МЖтКнинг 101-моддаси билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан МЖтКнинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридан 608 190 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг қаро-

ри билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, Л.М.нинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқлиги сабабли унга нисбатан МЖтКнинг 101-моддаси билан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатган.

Судлов ҳайъати бунда биринчи ва кассация инстанцияси судлари ҳуқуқбузарни жарима жазосига тортишда Л.М. электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб олмаганлигига, янги электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасини Л.М. эмас, балки қонун ҳужжатларига мувофиқ электр тармоғи корхонаси ўз ҳисобидан ўрнатиб бериши лозимлигига асосланган.

МЖтКнинг 101-моддасига кўра, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса, ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" 52-бандида маиший истеъмолчилардаги электр энергиясини ҳисобга олиш электрон асбобларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат қиёсловидан ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) ҳисобга олиш асбоблари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маблағлари ҳисобидан алмаштирилиши белгиланган.

7-375-20-сонли иш

**3. Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган бўлса, ҳуқуқбузарлик нарсаларини мусодара қилмасдан жавобгарликдан озод этилади.**

Фуқаро Л.О. 2019 йил 16 апрелда яширин цех ташкил қилиб, ҳеч қандай ҳужжатларсиз ёлланма ишчиларни ёллаб, кийим-кечак тикиш фаолияти билан қонунга ҳилоф равишда шуғулланаётганлиги аниқланган. Л.О.га тегишли 9 дона Хитой давлатида ишлаб чиқарилган "PLECIIOUS" номли тикув машинаси, 2 дона қайчи, 5 дона стол, 9 дона стул, 2 дона метр, 1 дона дазмол ва 56 дона ярим тайёр бичилган турли рангдаги аёллар либослари ашёвий далил сифатида олинган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар Л.О. МЖТКнинг 176-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, унга нисбатан ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида, яъни 202 730 сўм жарима солинган. Шунингдек, ашёвий далил сифатида олинган 9 дона Хитой давлатида ишлаб чиқарилган "PLECIIOUS" номли тикув машинаси, 2 дона қайчи, 5 дона стол, 9 дона стул, 2 дона метр, 1 дона дазмол ва 56 дона ярим тайёр бичилган турли рангдаги аёллар либослари давлат фойдасига мусодара қилинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, Л.О.га нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатган.

Судлов ҳайъати бунда МЖТКнинг 176-

моддаси тўртинчи қисмига асосланган.

МЖТКнинг 176-моддаси тўртинчи қисмида биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган бўлса, ҳуқуқбузарлик нарсаларини мусодара қилмасдан жавобгарликдан озод этилиши кўрсатилган.

Аммо биринчи ва кассация инстанцияси судлари ишни кўришда ҳуқуқбузар Л.О.-нинг ҳаракатларини МЖТКнинг 176-моддаси биринчи қисми билан тўғри квалификация қилган бўлса-да, у томонидан белгиланган муддатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун гувоҳнома олиш мақсадида тегишли давлат органига мурожаат қилинганлиги ва 2019 йил 16 апрелда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома олганлигига эътибор бермасдан, уни маъмурий жавобгарликка тортган.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, Л.О.га нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни МЖТКнинг 271-моддаси 10-бандига асосан тугатишни лозим топган.

3-1011-1901/5425-сонли иш

**4. Шахсни МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топиш учун унинг ўзга шахсни шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш билан боғлиқ айбли ҳаракатларини тасдиқловчи далиллар судда текширилиб, улар исботланган бўлиши лозим.**

Фуқаро Ш.Р. ўзининг турмуш ўртоғи К.Р. билан ўзаро оилавий масалада тортишиб қолиб, уни ҳар хил ножўя сўзлар билан ҳақоратлаган.

Шу сабабли К.Р. туман ИИБ бошлиғи номига 2019 йил 25 июнда ариза билан мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи Ш.Р.га нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар Ш.Р. МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, унга нисбатан ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорига, яъни 202 730 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, Ш.Р.га нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосланган.

Биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарор қабул қилишда жабрланувчи К.Р. туман ИИБ бошлиғи номига 2019 йил 27 июнда ариза билан мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи Ш.Р. билан 2019 йил 26 июнда келишиб ўзаро ярашганликларини билдириб, 2019 йил 25 июнда ёзган аризасини оқибатсиз қолдиришни сўраганлигига эътибор бермаган.

Шунингдек, туман ИИБ ХПБ ТП профилактика инспекторининг 2019 йил 7 майдаги "Суд-тиббиёт экспертизаси тайинлаш тўғрисида"ги қарори билан жабрланувчи К.Р. танишиб, қарор нусхасини олган ва тан жароҳати йўқлиги сабабли суд-тиббий экспертизасидан ўтишдан бош тортганлиги ҳақида тилхат ҳам ёзиб берган.

Шу сабабли судлов ҳайъати Ш.Р. ўзининг турмуш ўртоғи К.Р.ни урганлиги ва уни ҳақорат қилганлиги ҳолатларини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслиги боис, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

*3-1909-1901/1083-сонли иш*

**II. МАЪМУРИЙ ВА БОШҚА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**

**1. Иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган иқтисодий судга шикоят берилиши мумкин. Агар бундай шикоят маъмурий судга берилган бўлса, иш бўйича иш юритиш МСИЮТК 108-моддасининг 1-бандига асосан тугатилади.**

Вилоят иқтисодий судининг 2018 йил 28 ноябрдаги 4-19-1804/1111-сонли ижро варақасига асосан, қарздор "Д" МЧЖдан АТ "Н" банки фойдасига 280 500 000 сўм ундириш белгиланган.

Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўли-

ми ижро варақасини иш юритувга қабул қилган ва 2019 йил 12 мартдаги қарори билан ижро иши юритишини қўзғатган. Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўлими давлат ижрочиси 2019 йил 10 октябрда қарздорнинг мол-мулкани аукцион сав-



доларига чиқариш тўғрисида қарор чиқарган.

Аризачи "Д" МЧЖ маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўлими давлат ижрочисининг 2019 йил 10 октябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Шаҳар маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг қарори билан биринчи ва апелляция инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, иш бўйича иш юритиш тугатилган.

Судлов ҳайъати бунда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида" ги қонуннинг 86<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмига ва МСИЮтКнинг 108-моддаси 1-бандига асосланган.

**2. МСИЮтКнинг 134-моддасида ариза бериш муддатининг ўтганлиги аризани (шикоятни) қайтаришга асос бўлиши белгиланмаган. МСИЮтКнинг 134-моддасида белгиланган аризани (шикоятни) қайтариш асослари тугал бўлиб, уни кенгайтирилган тарзда талқин этиш мумкин эмаслиги сабабли, ариза бериш муддатининг ўтганлиги асоси билан уни қайтаришга йўл қўйилмайди.**

Аризачи К.А. судга ариза билан мурожаат этиб, "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинининг 2018 йил 15 июндаги 222-сонли ҳамда туман ҳокимининг 2018 йил 14 августдаги 333-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 25 октябрдаги ажрими билан ариза қайтарилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 21 ноябрдаги қарори билан ажрим ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ажрими ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, аризани кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда ариза бериш муддатининг ўтганлиги

Мазкур қонуннинг 86<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмига кўра, иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган иқтисодий судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга, қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шикоят берилиши мумкин.

МСИЮтКнинг 108-моддаси 1-бандига мувофиқ иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, маъмурий суд иш юритишни тугатади.

Шу сабабли судлов ҳайъати Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўлими давлат ижрочисининг 2019 йил 10 октябрдаги қарори устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш иқтисодий суднинг судловига тааллуқли бўлганлиги учун иш бўйича иш юритишни МСИЮтКнинг 108-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

3-1901-1901/3719-сонли иш

аризани қайтаришга асос бўлмаслигига таянган. Чунки биринчи инстанция суди К.А. судга МСИЮтКнинг 186-моддаси биринчи қисмида белгиланган муддатларда мурожаат қилмаганлиги учун, уни қайтаришни лозим топган.

МСИЮтКнинг 186-моддаси биринчи қисмига кўра, агар ушбу кодексда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга берилиши мумкин.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг

2019 йил 24 декабрдаги "Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори 19-бандида аризининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларни ўтказиб берилиши уни қайтариш учун асос бўлмаслиги, бундай ҳолларда ариза иш юритишга қабул қилиниб, мазмунан кўриб чиқилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати МСИЮТК-нинг 134-моддасида белгиланган ариза-

ни (шикоятни) қайтариш асослари тугал бўлиб, уни кенгайтирилган тарзда талқин этиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган ва кодекснинг ушбу моддасида ариза бериш муддатининг ўтганлиги аризани қайтаришга асос бўлиши кўрсатилмаганлигидан келиб чиқиб, шунингдек, юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 19-бандига асосан, биринчи инстанция ажрими ва апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилиб, аризани кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

3-2103-1902/1106-сонли иш

### **3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, қарздорнинг бошқа шахслар билан умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулкига ундирув қаратилиши мумкин эмас.**

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг 2018 йил 15 декабрдаги 1-2222-сонли қарздор С.Д.дан ундирувчи Р.Р. фойдасига 560 000 000 сўм қарз суммаси ва суд харажатларини ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўлими давлат ижрочиси томонидан 2019 йил 5 январда 333-сонли ижро иши қўзғатилган.

Қарздор С.Д.га тегишли бўлган иккита кўчмас мулк объекти, биринчиси, Термиз шаҳар, Мустақиллик кўчасида жойлашган шаҳар ҳокимининг 2018 йил 19 мартдаги 111-сонли қарори билан С.Д.га эгалик ҳуқуқи белгиланган ҳовли-жой бўлиб, иккинчиси, Термиз шаҳар, Баҳор кўчаси, 14-уй ҳисобланган.

Давлат ижрочиси томонидан 2019 йил 4 мартда С.Д.га тегишли бўлган Термиз шаҳар, Мустақиллик кўчасида жойлашган ҳовли-жойга тақиқ солинган ва уй-жойни баҳолатиш бўйича ҳаракатлар амалга оширилиб, 2019 йил 7 апрелда ушбу уй-жойни электрон онлайн-аукционда сотувга чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шу сабабли қарздор С.Д.нинг турмуш ўртоғи аризачи С.К. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўлимининг 2019 йил 4 мартдаги "Кўчмас мулк объектига тақиқ солиш тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 7 апрелдаги "Мол-мулкни электрон онлайн-аукционда сотувга чиқариш

тўғрисида"ги қарорларини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш рад этилган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 47-моддаси ўн иккинчи қисмига асосланган. Чунки давлат ижрочиси 2019 йил 4 мартдаги "Кўчмас мулк объектига тақиқ солиш тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 7 апрелдаги "Мол-мулкни электрон онлайн-аукционда сотувга чиқариш тўғрисида"ги қарорларини қабул қилишда аукционга сотувга чиқарилаётган мол-мулк қарздор ва унинг турмуш ўртоғининг биргаликдаги умумий мулки эканлигига эътибор бермаган.

Ваҳоланки, қарздор С.Д. ва аризачи С.К. билан 2003 йилда никоҳдан ўтган. Термиз шаҳар, Мустақиллик кўчасида жойлашган ҳовли-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқи С.Д.га шаҳар ҳокимининг 2018 йил 19 мартдаги 111-сонли қарори билан белгиланган.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 47-моддаси ўн иккинчи қисмига кўра, қарздор бошқа шахслар билан умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулкка эга бўлган ҳолларда ундирув унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган улушига қаратилади.

Апелляция инстанцияси суди давлат ижрочиси томонидан низоли ҳовли-жой

юқоридаги қонун талабларига зид тарзда онлайн-аукционда сотувга қўйилган бўлса-да, аризаچининг талабини қаноатлантиришни рад этган.

Шу сабабли судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топган.

3-1501-1901/2458-сонли иш

#### **4. Туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида тузилган ер ижара шартномаси томонлар ўртасида ўзаро келишувга эришилмасдан ёки шартномани бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинмасдан бекор қилиниши мумкин эмас.**

Туман ҳокимининг 2015 йил 18 октябрдаги 333-сонли қарори билан фермер хўжалигига жами 85,5 гектар ер майдони пахтачилик ва ғаллачилик ихтисослиги бўйича 49 йил муддатга ижарага берилган. Бу ҳақида фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ижара шартномаси тузилиб, шартнома 2015 йил 13 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 14 февралдаги 222-сонли қарори билан фермер хўжалиги ва ҳокимлик ўртасида тузилган ер ижара шартномаси бекор қилиниб, 85,5 гектар ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган.

Шу сабабли фермер хўжалиги судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 14 февралдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда Ер кодексининг 24-моддаси тўққизинчи қисми ва "Фермер хўжалиги тўғриси-

да"ги қонуннинг 13-моддаси тўққизинчи қисмига асосланган.

Ер кодексининг 24-моддаси тўққизинчи қисми ва "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддаси тўққизинчи қисми мазмунига кўра, ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Ваҳоланки, туман ҳокимининг фермер хўжалигига ажратилган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори ноқонуний қабул қилинган. Чунки туман ҳокимининг ушбу қарори фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш бўйича томонлар ўртасида ўзаро келишувга эришилмасдан ёки шартномани бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинмасдан қабул қилинган.

Мазкур ҳолатда фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ер ижара шартномаси ҳокимлик ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳи ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг тақдимномасига асосан, туман ҳокимлиги томонидан бир томонлама бекор қилинган.

3-13101901/243-сонли иш

# Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга малака даражалари бериш тўғрисидаги қарори

2020 йилнинг биринчи ярим йили

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Малака даражаси ва берилган сана
1	Буваев Турғунбой Мадаминжонович	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмасининг бош инспектори	31.01.2020 йил 1 малака даражаси
2	Дусманов Санджар Абдужалолович	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьяси	31.01.2020 йил 1 малака даражаси
3	Киличов Бахтиёр Содиқович	Қашқадарё вилоят маъмурий судининг судьяси	31.01.2020 йил 2 малака даражаси
4	Кулиев Собир Усмонович	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси	31.01.2020 йил 2 малака даражаси
5	Бобоев Бурҳон Бўриевич	Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг судьяси	31.01.2020 йил 2 малака даражаси
6	Мамажанов Отабек Махмудович	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси	31.01.2020 йил 2 малака даражаси
7	Алмамедов Улугбек Алимджанович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари	31.01.2020 йил 3 малака даражаси
8	Нематов Шерзод Шухратович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Пешку туманлараро судининг раиси	31.01.2020 йил 3 малака даражаси
9	Халиков Хуршед Урокович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар судининг раиси	31.01.2020 йил 3 малака даражаси
10	Равшанов Зафар Усманович	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг судьяси	31.01.2020 йил 3 малака даражаси
11	Кушиев Фуломжон Ёқубжонович	Навоий вилоят маъмурий судининг судьяси	31.01.2020 йил 3 малака даражаси
12	Зиядулаев Шавкат Шарифович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Когон туманлараро судининг раиси	31.01.2020 йил 3 малака даражаси
13	Мўминов Бехзод Абдувахобович	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби "Жиноят ҳуқуқи" кафедрасининг ўқитувчиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
14	Ёриев Анвар Комилович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
15	Шомуродов Ойбек Исломович	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти Жиззах туманлараро судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
16	Тураходжаев Фаррух Собиржонович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо улуғбек туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
17	Юсупов Темуржан Комилжанович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
18	Арипов Сарвар Сардоревич	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
19	Амонов Фафур Баҳодирович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
20	Рустамов Юнусбек Касимович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
21	Саидов Жаҳонгир Жамолович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Оққўрғон туман судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
22	Машарипов Азиз Сойибжонович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Пскент туман судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси

23	Мухаммадиев Отабек Исламович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Тошкент туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
24	Турапов Абдулла Зулкайнарович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
25	Чоршамиев Чори Пардаевич	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
26	Мамадалиев Улуғбек Балкибаевич	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
27	Садинов Жамшид Саидмуратович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
28	Авезов Адиз Муродбекович	Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти Навоий шаҳар судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
29	Жабборов Акбаржон Амруллаевич	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Бухоро шаҳар судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
30	Калниязов Иномжон Каримбаевич	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
31	Инамджанов Шербек Улуғбекович	Тошкент шаҳар Олмазор туман маъмурий судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
32	Хайдаров Боходир Илясиддинович	Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман маъмурий судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
33	Кутлиев Бахтиёр Бахшиддинович	Навоий вилояти Навбахор туман маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
34	Абдухолиқов Ғалим Есеневич	Навоий вилояти Нурота туман маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
35	Солиев Санжар Юсуфович	Самарқанд вилояти Каттақўрғон туман маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
36	Тошпулатов Азиз Ақромович	Самарқанд вилояти Нуробод туман маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
37	Саломов Фаррух Зокирович	Самарқанд вилояти Пайариқ туман маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
38	Абдуллаев Баходир Камолхонович	Наманган вилояти Косонсой туман маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
39	Бахриев Мизроб Джемшитович	Жиззах вилояти Бахмал туман маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
40	Базаров Музаффар Махмуджонович	Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
41	Тўхтабоев Шухратжон Турғунбоевич	Наманган вилояти Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
42	Алимов Акмал Улуғбекович	Самарқанд вилояти Ургут туман маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
43	Бўриев Алиакбар Мустафакул ўғли	Сирдарё вилояти Ширин шаҳар маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
44	Махкамов Жахангир Абдуганиевич	Сирдарё вилояти Сайхунобод туман маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 4 малака даражаси
45	Чориев Дилшод Шавкатович	Бухоро вилояти Когон шаҳар маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
46	Кулдашев Жахангир Абдуганиевич	Тошкент шаҳар Учтепа туман маъмурий судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
47	Кенжаева Нигора Эсанбоевна	Навоий вилояти Конимех туман маъмурий судининг раиси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
48	Тожиев Жўрабек Мухторович	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Бухоро шаҳар судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
49	Нажимов Жамолиддин Тўхтаназарович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
50	Рахманов Рустамжон Нуъманович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси

51	Абдуганиев Санжар Абдурашидович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
52	Икромов Анвар Ашурович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
53	Хожамкулова Сурайёхон Рустамовна	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
54	Иминов Анваржон Азимович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
55	Туракулов Тулкин Байтураевич	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
56	Каримов Бобомурод Пулатбаевич	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
57	Амиров Шерзод Мамарашидович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Янгийўл туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
58	Хожаев Джамшид Мурадилаевич	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
59	Эргашев Дилобар Ахроровна	Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти Томди туман судининг раиси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
60	Беккамов Яҳё Чаршамиевич	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман судининг раиси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
61	Каримов Отабек Жўраевич	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Қизириқ туман судининг раиси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
62	Курбонова Умидахон Мухаммадиевна	Андижон вилояти Андижон туманлараро иқтисодий судининг судьяси	31.01.2020 йил 5 малака даражаси
63	Мадумаров Шерзод Мамасиддиқович	Фарғона вилоят Фарғона туман маъмурий судининг раиси	28.02.2020 йил 3 малака даражаси
64	Юсупов Жасур Давронович	Самарқанд вилоят иқтисодий судининг судьяси	28.02.2020 йил 3 малака даражаси
65	Мирзаев Файбулла Абдунасимович	Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг судьяси	28.02.2020 йил 3 малака даражаси
66	Арзиев Акмал Туропович	Қашқадарё вилоят иқтисодий судининг судьяси	28.02.2020 йил 3 малака даражаси
67	Туракулов Акрам Нигматуллаевич	Қашқадарё вилоят Косон туманлараро иқтисодий судининг раиси	28.02.2020 йил 3 малака даражаси
68	Иргашев Тимур Улуғбекович	Самарқанд вилояти Тайлоқ туман маъмурий судининг раиси	28.02.2020 йил 3 малака даражаси
69	Олтибоев Абдихаким Маннонович	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар судининг судьяси	28.02.2020 йил 3 малака даражаси
70	Суюнов Олламурат Мухтарович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
71	Сабилов Уткиржон Низаматдинович	Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туман иқтисодий судининг раиси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
72	Аяпов Алишер Шарапатдинович	Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманлараро иқтисодий судининг раиси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
73	Бердимуратов Замир Дарибаевич	Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманлараро иқтисодий судининг раиси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
74	Утениязов Еркин Жаббарович	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Амударё туман судининг раиси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
75	Абдакимов Низаматдин Жаббарбергенович	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Қўнғирот туманлараро судининг раиси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
76	Дауменова Мийригуль Аймуратовна	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси

77	Абдрасулиев Азамат Исатдинович	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
78	Эргашев Баходиржон Бахтиёрович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманлараро судининг раиси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
79	Рустамов Тимур Алишеревич	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
80	Темиров Отабек Мамараимович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманлараро судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
81	Қобилов Нодир Муртазович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Бухоро туманлараро судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
82	Рахимова Гулрух Хайруллаевна	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Ромитан туманлараро судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
83	Кушшаев Сухроб Тоҳирович	Бухоро вилояти Бухоро туманлараро иқтисодий судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
84	Зоиров Нурмурод Туймуродович	Бухоро вилояти Қоракўл туманлараро иқтисодий судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
85	Масардинов Ахроридин Баходирович	Фуқаролик ишлари бўйича Анджон вилояти Асака туманлараро судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
86	Эшонбобоев Эркин Ўктамович	Қашқадарё вилояти Косон туман маъмурий судининг раиси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
87	Болтаев Суннатжон Музаффарович	Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти Навоий шаҳар судининг судьяси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
88	Ачиллов Жасур Раҳматович	Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз туманлараро иқтисодий судининг раиси	28.02.2020 йил 4 малака даражаси
89	Қосимов Раҳимжон Одилович	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси	13.03.2020 йил 2 малака даражаси
90	Омонов Зафаржон Раҳмоналиевич	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Қува туман судининг раиси	13.03.2020 йил 3 малака даражаси
91	Мирзакаримов Шухратбек Иброҳимович	Анджон вилояти Избоскан туман маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 3 малака даражаси
92	Ибрагимов Феруз Розукович	Бухоро вилояти Когон туман маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
93	Муродова Дилфуза Хидировна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг судьяси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
94	Абдуллаев Қудратбек Мухаммедович	Фарғона вилояти Қўштепа туман маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
95	Хайдаров Бегзод Шухратович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Ёзёвон туман судининг раиси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
96	Касимов Жамолхон Одилович	Фарғона вилояти Бешариқ туман маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
97	Акрамов Аброржон Агзамович	Фарғона вилояти Тошлоқ туман маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
98	Акбаров Азизбек Авазбекович	Фарғона вилояти Фарғона туманлараро иқтисодий судининг судьяси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
99	Хатамқулов Фозилжон Адхамжонови	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти Риштон туманлараро судининг судьяси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
100	Омонов Аброржон Алимжонови	Фарғона вилояти Боғдод туман маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси

101	Хидиров Голиббек Нематович	Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Денов туманлараро судининг судьяси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
102	Мавлонов Зухриддин Эркинович	Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Термиз туманлараро судининг судьяси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
103	Аллабердиев Санжар Абдушукурович	Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманлараро иқтисодий судининг раиси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
104	Исакулов Ахмадилло Собиржонович	Андижон вилояти Балиқчи туман маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
105	Тохтасинов Зафар Расулджанович	Андижон вилояти Пахтаобод туман маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
106	Рахимов Зарифжон Ахмадович	Андижон вилояти Бўстон туман маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 4 малака даражаси
107	Яҳёхужаев Раҳмонхон Ғозиевич	Андижон вилояти Хонобод шаҳар маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 5 малака даражаси
108	Хафизов Жаҳонгир Исманалиевич	Андижон вилояти Булоқбоши туман маъмурий судининг раиси	13.03.2020 йил 5 малака даражаси
109	Шаҳобутдинов Камолдин Садирдинович	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Андижон шаҳар судининг судьяси	13.03.2020 йил 5 малака даражаси